

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

“Банк-молия хизматлари” факултети

“Молия ва сугурта хизматлари” кафедраси

“Ҳимояга тавсия этилади”

Кафедра мудири, проф.

Ж.Р. Зайналов

Баённома № 2018 йил июн

5230600 – “Молия” таълим йўналиши

МК-414 груҳ талабаси

Жўраев Жасурнинг

**“Фермер хўжаликларини молиялаштириш ва кредитлаштриш
механизмини такомиллаштириш” (АТБ “Агробанк” Кўшработ
филиали маълумотлари бўйича) мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: асс. Ахроров З.

Илмий маслаҳатчи: Эгамов И. –

АТБ “Агробанк” Самарқанд вилоят

Худудий филиали бошқарувчи

ўринбосари

САМАРҚАНД– 2018

МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
I-Боб. Фермер хўжаликларини молиялаштришни бошқариш хусусиятлари.....	9
1.1. Фермер хўжаликларини бошқаришнинг ташкилий ва молиявий механизмлари.....	9
1.2. Фермер хўжаликларини самарали бошқариш орқали уларни молиявий имкониятларини кучайтириш аҳамияти.....	15
1.3. Фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари ва аҳамияти.....	18
II-Боб. Фермер хўжаликларини даромадларини оширишни молиявий қўллаб-қуватлаш орқали таъминлаш амалиёти....	22
2.1. Фермер хўжаликларини даромадларини шакллантириш амалиёти...	22
2.2. Фермер хўжаликларини кредитлаш асосида молиялаштириш холати	24
2.3. Фермер хўжаликлари фаолиятини кенгайтиришни кредитлаш орқали қўллаб-қуватлаш имкониятлари.....	27
III-Боб. Фермер хўжаликларини молиялаштириш ва кредитлаштриш механизмини такомиллаштириш.....	31
3.1. Фермер хўжаликларини молиявий қўллаб қуватлаш орқали улар даромадларини ошириш омиллари.....	31
3.2. Фермер хўжаликларини фаолиятини молиялаштириш орқали такомиллаштириш имкониятлари.....	34
3.3. Фермер хўжаликларини имтиёзли молиялаштириш ва кредитлар бериш орқали қўллаб-қуватлаш механизмини такомиллаштириш йўллари.....	35
IV-Боб. АТБ «Агробанк» Кўшработ филиалида хаёт фаолияти хафсизлигини холати ва самарали ташкил этиш йўллари.....	39
4.1. АТБ «Агробанк» хаёт фаолияти хафсизлигининг аҳамияти.....	39

4.2. АТБ «Агробанк» Күшработ филиали ходимларининг меҳнат ва ёнгин хафсизлиги доирасидаги чора-тадбирлари.....	40
4.3. АТБ «Агробанк» Күшработ филиалида фавқулотда холатлар доирасидаги чора-тадбилари	45
4.4. АТБ «Агробанк» Күшработ филиалида фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга ошириб келинаётган ишлари ва уни мукаммалаштириш йўллари.....	52
Хуноса.....	54
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	58

КИРИШ

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча ишлаб чиқаришларини модеринизатсиялаш жараёнини амалга оширишдан кўзланган мақсад ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни, бошқаришни замонавий усул ва услубларини қўллаб, рақобатда устунликга эришиш орқали истеъмолчилар талабини тўла қондирадиган юқори сифатли маҳсулот (хизмат) турларини яратиш ҳисобланади. Бунинг учун эса иқтисодиётни бошқариш тизими니 такомиллаштриш зарур.

Иқтисодиёти ўтиш даврида бўлган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги миллий иқтисодиётнинг уствор тармоқларидан бири ҳисобланади. Бунинг боиси, биринчидан, қишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодиётининг бошқа тармоқларини хом-ашё билан, аҳолини эса озиқ-овқат билан таъминловчи муҳим тармоқ ҳисобланади, иккинчидан, қишлоқ хўжалиги мамлакатда мавжуд бўлган ва бошқа тармоқлар қамраб олиши қийин бўлаётган, фойдалинилмаётган ишчи кучи ресурслари, табиий ишлаб чиқариш ресурсларини ҳаракатлантурвчи имкониятига эга бўлган тармоқлардир.

Шунинг учун хам мустақиллик йилларининг биринчи кунларидан бошлаб ҳукуматимиз томонидан аграр соҳани ислоҳ қилиш, унда янги иқтисодий муносабатлар ва хўжалик типларини шакллантиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Аграр соҳани ислоҳ қилишда қишлоқ хўжалиги корхоналари билан тижорат банклари, ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш, самарадорлигини ошириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бундай муносабатларни ривожлантириш қишлоқ хўжалик корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шарти ҳисобланади. Жаҳон амалёти кўрсатишича банк кредитлари қишлоқ хўжалиги корхоналарининг жорий ва инвеститсион ҳаражатларини молиялаштиришнинг барқарор манбаларидан биридир.

Қишлоқ хўжалик корхоналари билан тижорат банклари ўртасида кенг миқёсли ҳисоб-китоб муносабатлари мавжудки, уларни ривожлантиш агар ислоҳатларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур муносабат уларнинг ривожланмаганлиги қишлоқ хўжалиги субектларининг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади, тармоқда дебитор ва кредитор қарздорлик ҳажмининг ошиб боришига сабаб бўлади.

Мамлакатимизда аграр ислоҳатларни янада чуқурлаштиришнинг муҳимлиги, бу жараёнда банкларнинг фаоллигини ошириш борасида фермер хўжаликларини кредитлаш механизими ва уни такомиллаштириш зарурлиги мазкур тадқиқот иши мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Муоммонинг ўрганиш даражаси. Молиявий институтларнинг иқтисодиётда тутган ўрни, кредитлаш механизмини такомиллаштриш ва ривожлантишга қаратилган илмий концепсиялар хорижлик иқтисодчи олимлардан С.Л. Брю, К.Р. Макконелл, Мак Нотон, О. Лаврушин, П.Самуелсонларнинг¹ илмий ишларида тадқиқ қлинган. Бозор мавжуд муоммолар, шу жумладан, банкларнинг қишлоқ хўжалик корхоналарини кредитлаш билан боғлиқ баъзи муоммоларининг назарий асослари Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Ш.З. Абдуллаева, А.Ж. Боймуратов, Т.С. Маликов, О.О.Муртазаев, О.Ш. Номозов, О.О. Олимжонов, Т.М.Қоралиев, Т.Х. Фармонов, Э.Ш. Шодмоновларнинг² илмий ишларида ўрганилган.

¹ Макконел К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. Пер. 16-го англ. Изд. –М.: ИНФРА –М.: 2006. – 940 с.; Мак Нотон Д.М. Банковские учреждения в развивающихся странах. Пер. с англ. в 2-х т Вашингтон, Д.С. Всемирный банк. 1994-323 с.; Лаврушин О.И и другие. Денги, кредит и банки. -М.: Банки и биржи, 1995. -288 с.; Пол Самуэльсон, А. Нордхаус, Вильям. Экономика: паер. с англ. -М.: “Бином” 1999. - 800 с. Вашингтон, Д.С.: Всемирный банк 1994. Т. 1, -323 с.

² Абдуллаева З.Ш. Пул, кредит ва банклар. –Тошкент: Иқтисод-Молия, 2007. -344 б.; Боймуратов А.Ж. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тижорат баклари томонидан кредитлаш амалиётини такомиллаштириш йўналишлари и.ф.н. Диссертация автореферати, БМА 2008. -124 б.; Маликов Т.С. Молиявий қарор қилиш асослари. –Тошкент.: Академия, 1996 -158 б.; Номозов О.Ш. Монетарная политика в переходной экономике: концептуальные подходы и программные направления (на примере Республики Узбекистан – Ташкент, 2001. -41 с.; Олимжонов О.О. Молиявий Менеджмент. – Ташкент. Академия, 1999, - 254 б.; Карабаев Т.М. и др. Хозаяйственный расчет в системе комерческих банков, -Ташкент: Узбятцентр, 1991 -64 с.; Фармонов Т.Х. Ўзбекистон Республикасида фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари: -Т.: 2006. -255 б.; Шодмонов Э.Ш. Ўзбекистонда аграр ислоҳатларни чуқурлаштиришда банклар фаолигини оширишнинг асосий йўналишлари: -Т.: 2005, -124 б.

Иқтисодий адабиётида фермер хўжаликларини молиялаштириш ва кредитлаш механизмининг баъзи жиҳатлари ўрганилганлиги билан биргалиқда, иқтисодиётни эркинлаштриш босқичида фермер хўжаликларини кредитлаш механизмини такомиллаштриш орқали қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ривожлантириш масалалари мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан яхлит, комплекс тарзда, мустақил илмий-тадқиқот обьекти сифатида ўрганилмаган.

Битирув малакавий ишининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Илмий иш Самарқанд иқтисодиётва сервис институти илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилди.

Битирув малакавий ишининг мақсади - иқтисодиётни эркинлаштриш шароитида фермер хўжаликларини молиялаштириш ва кредитлаш механизмини такомиллаштриш орқали қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг вазифалари:

- қишлоқ хўжалигини кредитлаш механизмини иқтисодий моҳияти ва хусусиятларини очиб бериш;
- фермер хўжаликлари ва уларнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг назарий, хукуқий-институтсионал асосларини такомиллаштришга қаратилган амалий тафсиялар ишлаб чиқиш;
- фермер хўжаликларини кредитлашнинг илғор жаҳонтажрибасини ўрганиш ва уни республикамиз амалиётига жорий этиш бўйича амалий тафсиялар бериш;
- фермер хўжаликларини кредитлаш механизмини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришга таъсирини анилаш;
- фермер хўжаликларини тижорат банклари томонидан кредитлашдаги муммолярни аниқлаш ва уларни хал этишга қаратилган илмий таклифларни ишлаб чиқиш;

- жаҳонмолиявий-иктисодий инқирозининг фермер хўжаликларини кредитлаш механизмига таъсирини аниқлаш;
- фермер хўжаликларини кредитлаш механизмини такомиллаштиш орқали қишлоқ хўжлигига ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантиш бўйича илмий таклиф ва амалий тафсиялар ишлаб чиқариш.

Тадқиқот обьекти - фермер хўжаликларини молиялаштириш ва кредитлашга хизмат қилувчи тижорат банклари фаолияти ҳисобланади.

Тадқиқот предмети - тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларини кредитлаш жараёнида содир бўладиган иктисодий муносабатлари йиғиндиси ҳисобланади.

Тадқиқот методлари. Таққослаш ва умумлаштриш, усуllibаридан фойдаланилади.

Химояга олиб чиқилаётган асосий холатлар:

- қишлоқ хўжалигини молиялаштирща маҳсус қишлоқ хўжалиги кредит уюшмаларини ташкил этиш зарурлиги асосланади;
- фермер хўжаликларига ажаратилган кредитлар ва улар фаолиятидаги ривожланиш тенденсиялри ёритлиб, баҳолар ўзгаришига боғлиқ номутоносибликлар бартараф этилиши лозимлиги таклиф этилди;
- хорижий мамлакатларда қўлланиладиган усулярдан кенг фойдаланилган холда қишлоқ хўжалигига молиявий кўмаклашишнинг барқарор ресурсларини ташкил этиш орқали кредитлаш мақсадга муофиқлиги асослаб берилди;
- республикамизда қишлоқ хўжалигига кредит уюшмаларини ташкил этилиши ва уларнинг асосий васифаси сифатида уюшма аъзоларига ернинг мелиратив холатини яхшилаш учун узоқ муддатли кредитлар ажратишдан иборат бўлиши лозимлиги таклиф этилади;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликларига кредит берувчи йирик тижорат банклари томонидан уларни

кредитлашни кенгайтириш учун ресурс базани кенгайтиришда қишлоқ хўжалиги қимматли қоғозларини чиқариш таклиф этилади;

- давлат эҳтиёжлари учун харид қлинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлариниг ҳисоб-китоб жамғармасининг маблағлари ҳисобидан кредитлаётган фермер хўжаликларини тўғридан-тўғри тижорат банкларининг маҳсус ҳисоб рақамларидан очиладиган кредит линияси орқали имтиёзли кредитлашга ўтказиш асосланади;

- фермерларнинг айланма маблағларга бўлган эҳтиёжларни кўрсатилган мудатида ва тўлақонли равишда қондриш учун овердрафт ёки услуксиз кредит линияларини очиш лозимлиги таклиф этилади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти шундаки, илмий ишни ёзиш жараёнида олинган илмий хулоса ва амалий тавсиялардан фермер хўжаликларини кредитлаш механизмини такомиллаштриш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришига, келажакда фермер хўжаликларини кредитлаш механизмини ривожлантиришнинг фундаментал ва амалий жихатларини чукур тадқиқ этишга бағишлиланган илмий-тадқиқот ишларидан фойдаланиш мумкин.

Амалий аҳамияти шундаки, фермер хўжаликларини кредитлаш механизмини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тизими ва мақсадли давлат дастурини ишлаб чқиша қўлланилиши мумкин.

Натижаларнинг жорий қлиниши. Тадқиқот жараёнида олинган илмий хулоса ва амалий тавсиялар АТБ “Агробанк” (2018 йил 30 март 05/12 сонли далолатномаси) томонидан амалиётга жорий этилган.

Битирув малакавий ишининг тузилиши ва ҳажми. Битирув малакавий иши таркибан кириш тўртта боб, хулоса вафойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Битирув малакавий иши матни 62 бетни ташкил этиб, унда 5 та жадвал, 1 та чизма, 1 та диаграммалар ўрин олган.

I-БОБ. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТРИШНИ БОШҚАРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

1.1. Фермер хўжаликларини бошқаришнинг ташкилий ва молиявий механизимлари

Агросаноат мажмуи тармоқлари ишлаб чиқаришни бошқарувнинг демократик тамойиллари асосида ташкил этиш ва бошқариш тизими самарадорлигини ошириш республикамизда олиб борилаётган маъмурий ислоҳатларнинг уствор йўналишларидан биридир. Барча соҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган бу жараён етакчи тармоқлардан ҳисобланган мева-сабзавотчлик ҳамда узумчликда кооператсия ва интегратсиянинг самарали шакли – агросаноат фирмаларини ташкил этишга йўналтрилмоқда. Таъкидлаш керакки, мева-сабзавотчлик ва узумчликга ихтисослашган фермер хўжаликлари ҳамда улар таъсисчлигида аграсаноат фирмаларини ташкил этишга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги “Мева-сабзавотчлик ва узумчлик соҳасида иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштриш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 255-сонли қарорига мувофиқ эришилди. Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2006 йил 10 марта “Мева-сабзавотчлик ва узумчлик соҳасида аграсаноат фирмалари ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини йўлга кўйиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш хақида” ги 42-сонли қарор қабул қилинди. Унда агрофирмалар фермер хўжаликлари томонидан ихтиёрий асосда ташкил этилиши, “бунда муассасалар таркибига, фермерлар билан бир қаторда, барқарор хўжалик алоқалариiga ва илгор ишлаб чиқариш технологияларига эга бўлган, шунингдек, яқин атрофдаги худудда жойлашган мава-сабзавот ва узум маҳсулотларини қайта тиклаш корхоналари кириши мумкин” лиги белгилаб берилди. Мазкур қарорга мувофиқ шунингдек, агрофирмалар намунавий устави тасдиқланди.

Фермер хўжаликларини молиявий фаолиятининг ўзига хос хусусиятларига таянган ҳолда, мазкур хўжалик тизимида молиявий бошқаришнинг ташкилий иқтисодий ва молиявий механизимларини такомиллаштриш масаласини қўйидаги расимдагидек ифода этишни тафсия қиласиз.

Умуман олганда, фермер хўжаликларида бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий ва молиявий механизмиларини такомиллаштришга қаратилган тадбирлар республикамида аграр соаҳани ислоҳ қлишнинг асоосий йўналишларига мос келади ва фермер хўжаликлари иқтисодий салоҳиятини янада оширишга яқиндан ёрдам беради.

Мотивлаштириш ҳатти-ҳаракатнинг ички, психалогик ва физалогик бошқаришнинг динамик жараёни бўлиб, у ўзида жараённинг ташабускорлиги, йўналиши ташкил этилиши, қўллаб-қувватланиши ва эҳтиёжини қамараб олади. Айтиб ўтилган фкир шуни кўрсатадики, мотивлаштирош жараёни тасодифий ўзгарувчан кўплаб миқдорлар билан аниқланадики, у эҳтимоллар назарияси усуслари билан миқдорий баҳоланиши мумкин.

Психологияда мотивлаштириш омиллар тзими сифатида ҳатти-ҳаракатларнинг устунлиги ҳамда мотивларнинг шакилланиши жараёнида эса белгиланган даражада ҳатти-ҳаракатлар фаоллигини рағбатлантиш ва қўллаб-қувватлашдаги шахснинг фаоллигини шакллантиш ва аниқлаштиришнинг уйғотувчи хислатлари йиғиндисини билдиради. Ушбу тушунча ҳаракат ва натижа ўртасидаги, уни тушунтриш ёки оқлашдаги муносабатларни тафсифлайди. Мотивлаштириш маълум бир мақсадга эришишга йўналтилган яхлит фаолиятнинг уюшқоқлиги ва барқарорлиги, шунингдек, ҳаракатларнинг мақсадлилиги билан изохланади.

1.1-чизма

Фермер хўжаликларида молиявий бошқарувнинг ташкилий-иктисодий механизмларини такомиллаштриш хусусиятлари



Мотивлаштиришга анъанавий ёндашув шунга асосланадики, ишловчилар-ресурс, актив, холос. Уни самарали ишлашга мажбурлашимиз лозим.

Саноатдаги кескин ўзгаришлар натижасида жамият мураккаблашиб боради. Техник тараққиёт меҳнатга нисбаттан муносабатни тубдан ўзгартиради. Натижада менежер ҳар куни ходим фаолиятини маотивлаштришаги муоммолар гирдобига тушиб қолмоқда, яъни у “куч-куваттни қандай қлиб ишни бажаришга йўналтиш мумкин?”, саволга жавоб ахтаради.

Яхши бажарилган иш натижасидан шахсий қониқиш ва ўз меҳнати самарасидан ғуурланиш ишловчиларни мақсадини ҳис этишга олиб келади. Бу пулга (меҳнатни мотивлаштириш нуқтаи назаридан) нисбаттан муҳимроқ саналади. Менежерлар ҳар доим “Асосий ишга талуқли бўлмаган топшириқни бажаришга ишловчи қандай шароитда мотивлашган?”, деган саволга жавоб олишга қизиқадилар. Ушбу қизиқиш бўйсунувчиларни шахсий эркинликлари доираси кенгайганда ошиб боради. Инсон қанчалик бўлса, нима уни харакатлантиради, унга нима кўпроқ наф келтишга мажбур қиласи кабиларни ангалш муҳимроқ.

Ушбу соҳадаги писихологик ва ташкилий-иктисодий йўналишда яратилган назарияларни икки грухга ажратиш мумкин:

1) кишиларни бошқача ҳаракатланишига йўл қўймасликка мажбуrlайдиган шахснинг ички ҳиссиётлари (еҳтиёжлари)ни уйғотишга асосланган мотивлаштришнинг мазмуни назариялари (A. Маслоу, Ф.Хертсберг ва бошқалар назариялари);

2) мотивлаштришнинг жараёнли назариялари нисбаттан замонавий бўлиб, тарбия ва тафаккурга таяниб, инсонлар ўзини қандай тутадилар каби ҳолатга таянадиган назариялар (кутиш назарияси, адолат назарияси ва Портер-Лоулерларнинг мотиватсия модели).

Саноат ишлаб чиқаришда асосан ишлаб чиқариш ва маҳсулот сотиш даври сутка, декада, ойда рўй берса, қишлоқ хўжалигида эса бу давр 3,6 ва ундан ойларга, боғдорчлик ва чорвачликда баъзида йилларга чўзилади.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалигида бирорта маҳсулотни етиштришда меҳнат узоқ вақт (3 ва ундан юкори ойни) сарфланиши талаб этилади. Бу жараёнда ишлаб чиқариш тўғридан-тўғри табиат омиллари таъсирида амалга оширилади.

Бинобарин, қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусиятидан келиб чиқган ҳолда менежер диққат-еътибори марказида ишловчилар қизиқиши бўлиши лозим.

Фермерлар мотиватсиядаги муоммоларни таҳлил қлишда қадрли деб ҳисобланган мукофатларни бериш йўли билан фаолият самарадорлигини ошириш масаласига эътибор қаратилади. Ички мукофатни меҳнатни ўзи, меҳнат қлиш муҳимлиги, унинг натижаси беради.

Ташқи мукофатни эса фермер хўжаликларига рағбат шакли – иш ҳаққи, тўловларини тўлаш орқали беради. Бу фаолиятнинг иқтисодий мотивлари ҳисобланади. Шу билан биргаликда фермер хўжалиги бошқа мотивларни ҳам – мансаб пиллапояларидан кўтарлиш, ўсиши кабиларни ҳам беради.

Ишловчининг ўз манфатидан қониқиши даражаси етралича тарзда фермер хўжалиги маданияти, инноватсион муҳити ва ўз-ўзини бошқариш имкониятларига ҳам боғлиқ булади.

Шу боисдан, биз тадқиқотларимизда мавжуд мотивлаштриш назариясига таянган ҳолда фермер хўжаликлари фаолиятини бошқариш самарадорлигини оширишда фермер хўжалиги аъзоларининг самарали меҳнат қилишга иштиёқ уйғотувчи мотивларни шакиллантиришга таъсир қилувчи омил ва шартлар тизимини ишлаб чиқдик:

- самарали меҳнат қилишга иштиёқ уйғотувчи аниқ мотивларни шакиллантириш;

- доимий равища ишловчининг қизиқиши ўрганиш, уларга меҳнат қилиш жараёнида ўз имкониятларини тўлиқ намоён қилишга имкон бериш ва бу орқали уларни мотивлаштриш;
- ҳар бир ишловчининг янгликка интилиш, ижодий фаолият юритишига шароит яратиш ва натижаларни рағбатлантириб бориш;
- фермер хўжалиги аъзоларида ўз меҳнати натижасидан шахсий қониқиши ва шухратга эришиш каби ҳиссиётларни уйғтиш.

Шундай қилиб, фермер хамда фермер хўжалиги аъзоларининг самарали меҳнат қлишига иштиёқ уйғотувчи мотивларни шакиллантишга таъсир қилувчи омиллар ва шарталар тизими унда ишловчиларнинг ўз меҳнатидан қониқишилари орқали умухўжаликк ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлигини оширишда мотивларнинг рўлини баҳолашга ёрдам беради.

Иқтисодиётнинг барча тармоқлари каби қишлоқ хўжалиги ҳам, умум иқтисодий қонунлар асосида ривожланади, аммо тармоқда маҳсулот етиштриш энг аввало ер ва табиат билан боғлик бўлиб, мавсумий характерда эканлиги, маҳсулот етиштриладиган майдондан ижтимоий хизмат кўрсатиш шахобчаларининг узоқда жойлашганлиги ва тармоқقا хос бошқа турли объектив сабаблар туфайли умум иқтисодий қонунларнинг қишлоқ хўжалигида қўлланилиши алоҳида хусусиятга эга.

Шундай экан, қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларининг узлуксизлиги ва самарадорлигини таъминлашнинг банк кредитларининг иштрокисиз тасвур этиш қийин.

Иқтисодий ислоҳатларнинг муаффақиятига дастлаб ислоҳатнинг уствор йўналишларини белгилаш ва уни изчиллик билан амалга ошириш ҳисобланади. Республикамиз қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳат энг аввало, тармоқ ишлаб чиқаришда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, давлат мулкини давлат тасаруфидан чиқариш орқали турли мулкчлик ва хўжалик юритиш шакилларини teng шароитда фаолият кўрсатишларига хукуқий ва иқтисодий пойdevor яратиш, хўжаликларни иқтисодий

мустақиллик ва эркин фаолият кўрсатишини таъминлаш, агросетвис хизмати инфратузилма субектлари фаолиятини ривожлантириш соҳасида турли мулкчликни корхонлар ўртасида иқтисодий муносабатларни такомиллаштриш каби йўналишларни ўз ичига олади. Натижада, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг мулк давлат тасаруфидан чиқарилиб, унинг шакиллари хилма-хилиги ва teng ҳуқуқлигига эришилиши асосида очик бозор, рақобат муҳити ва иқтисодий эркинлаштриш яратилмоқда. Иқтисодиётда турли мулкчликка асосланган хўжалик юритиш шакилларини фаолият кўрсатиши деҳқонларни ер ва ишлаб чиқариш воситаларига бўлган эгалик ҳиссини шакиллантириб, юқори унумдорлик, ижодий ва эркин меҳнатга ундейдиган кучли моддий рағбатлантириш тизимини вужудга келтирди.

Маълумотлар шуни кўрсатадики, 2004-2017-йиларда республикамизда фермер хўжаликлари сони 2,5 бараварга кўпайди, ширкат хўжаликлари сони эса кўпийб тугатилади ва деҳқон хўжаликлари сони ҳам деярли 1,2 бараварга ошди³. Шуни алоҳида такидлаш жоизки, республикамизда киччик бизнес шу жумладан, фермер хўжаликлари эркин бозор иқтисодиётига мослаша оладиган, кам маблағ сарфлаб тез фойда олишга харакат қиласиган тармоқ эканлигини инобатга олиб, бу соҳага жиддий эътибор кўриб ишлаётган ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш жараёнида жадаллик билан амалга оширлимоқда.

1.2. Фермер хўжаликларини самарали бошқариш орқали уларни молиявий имкониятларини кучайтириш ахамияти

Ўзбекистон иқтисодиётини модеринизатсиялшнинг асосий йўналиши қишлоқ хўжалиги соҳаси ва уни самарали бошқариш бўйича институтсионал ўзгаришларни амалга оширишга ва уларнинг ижтимоий-иктисодий

³ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан хисобланди

самарадорлигини оширишга қаратилган. Бунинг учун қишлоқ хўжалиги соҳасидаги мақсадини аниқ белгилаш ва танлаш мақсага муофиқдир.

Дархақиқат, рвожланаган давлатларда аграр соҳани бошқаришдаги асосий макро иқтисодий мақсадлар қуидагиладан иборат:

- қишлоқ хўжалигини ижтимоий-иққисдий ривожлантиш учун шароит яратиб бериш;
- аҳолини ижтимоий меъёрлардан келиб чиқкан ҳолда қиммат бўлмаган нархларда сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш;
- аҳолини ижтимоий меъёрлардан келиб чиқкан ҳолда қиммат бўлмаган нархларда сифатли озиқ-оват маҳсулотлари билан таъминлаш;
- қишлоқ хўжалиги соҳасининг атроф муҳитга зарарини камайтиш.

Бу ҳолатда республикамизда, бугунги кунда қишлоқ хўжалигини ривожлантиш учун етарлич шарт-шароит яратиб берилганлиги, аҳоли сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганлиги ҳамда бу соҳасининг атроф-муҳитига зарари камайтирганлиги билан изоҳланади. Буларнинг натижаси ўлароқ, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб қишлоқ хўжалигини ривожлантиш стратегияси аниқ белгилаб олинган. Мазкур стратегия қислқо хўжалигини диверсификатсия қилиш, пахта якка-ҳокимлигига барҳам бериш, аҳолини бирламчи озиқ-овқат маҳсулотлари (ғалла) билан таъминлаш ва озиқ-овқат мустақиллигига эришишни ўз ичига олади.

Шуни айтиш лозимки, бозор муносабатлари шароитида фермерлар харакатини ривожлантиш учун давлат томонидан катта имтиёз ва рағбатлар берилди, хусусий фермер хўжаликларининг эркин майдонларининг мақбуллаштриш, ерларнинг мелириотив ҳолатини яхшилаш, пахтанинг тез пишар ва серҳосил навларини, хар бир худуднинг тупроқ-иқлим шароити ва сув бикан таъминлаш даражасини инобатга олган ҳолда раёнлаштриш бўйича кенг миқёсдаги ишлар амалга оширлди. Чунки, ўша даврда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳатларни тубдан ўзгартриш асосий вазифа қлиб қўйилган

эди. Бу борада Биринчи Президентимиз И.А. Каримов тақидлагандек, “Қишлоқ хўжалиги соҳаси, унинг тармоқларини янги иш услубига ўтказаётган ислоҳатнинг асосий мақсади - аваламбор, дехқонларнинг ишдан манфатдорлигини тубдан ўзгартриш, ўз меҳнатинг ҳосили, пировард натижасини бринчи навбатда уларнинг ўзига қайтариш, турмуш даражасини, савиясини кўтаришданб иборат эди”⁴.

Дархақиқат, аграр соҳанинг бошқаришда амалга оширилаётган институтсионал ислоҳатларнинг самараси натижасида хусусий фермер хўжаликларининг иқтисодий ва молиявий мустақиллигини тўлиқ таъминлайдиган ва уларга мерос хуқуки билан узоқ мудатга ижарага берилган қишлоқ хўжалиги ер ресурсларидан мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланишни рағбатлантирадиган хуқуқий шарт- шароитлар ва кафолатлар яратилади.


Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштришни молиялштришнинг бозор тамойилларига тўлиқ жавоб берадиган ва қишлоқ хўжалги маҳсулотларини сотишдан олган даромадлари ҳисобидан барча харажатларни қоплашда молиявий маблағлардан фойдаланиш усули ва уларни кўпайтиш шакилларини танлашда фермер хўжаликлари мустақиллигини таъминлайдиган ишончли тизим яратилади.

Шу билан бирга, аграр соҳани бошқаришдаги институтсионал ўзгаришлар самарадорлиги орқали соҳадаги ислоҳатлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда сезиларли ижобий ўзгаришларга эришишга олиб келади. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ва чорва маҳсулдорлигининг ошиши шулар жумласидандир. Бу борада, айниқса, фермер ва дехқон хўжаликларининг улуши ўзгариб бормоқда (1.1-диаграмма).

⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақиллика эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. -43 б.

1.1-диаграмма

Ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг етиштришда дехқон ва фермер хўжаликларининг улуши⁵ (% ҳисобидан)



Дехқон ва фермер хўжаликлари улушининг ортиши мамлакатда аграр секторни ислоҳ қлиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган ишлар олиб борилаётганлигини кўрсатади. Яъни, ширкатларни фермер хўжаликларига айлантириш жараёнини амалда ниҳоясига етади. Хусусий фермер хўжаликлари ўз моҳиятига қўра қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг асосий шаклига, соҳани барқарор ва самарали ривожлантиришни таъминлайдиган етакчи кучга айланади.

1.3. Фермер хўжилкларини ривожлантириш истиқболлари ва ахамияти

Фермер хўжалиги, ривожланган давлатлар тўплаган тажрибасида бошқаришнинг институтсионал самарадорлиги, рақобатбардошлилиги, бозор конюктурасига тез мослашувчанлиги каби хусусиятларни намоён эта олади. Шунга қўра, Ўзбекистонда ҳам фермер хўжаликларини ривожлантириш учун зарур иқтисодий шарт-шароитлар яратилди, меёрий-хукуқий асослар ишлаб чқилди.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. www.stat.uz

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигини бошқаришдаги институтсионал ислоҳатларнинг самараси фермер хўжаликлари фаолиятига тасир кўрсатади. Айнан, фермер хўжаликлари фаолияти иқтисодий самарадорлигини ошириш мақсадида уларнинг ер майдонлари микдорини мақбуллаштриш чоралари амалга оширилади. Бунинг натижасида фермер хўжаликлари ер майдонлари йириклаштрилиб, шу асосда 103 мингдан ортиқ фермер хўжалиги ташкил этилди.

Ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштришда асосий турдаги экинлар ҳосилдорлиги туб ўзгаришлар ясади (1.2-жадвал)

1.2-жадвал
Асосий турдаги қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги⁶
(гектарига сентнер ҳисобига)

№	Кўрсаткичлар	2015	2016	2017
1.	Пахта хомашёси	22,6	21,8	25,6
2.	Дон экинлари	20,2	28,2	44,2
3.	Картошка	80,0	129,3	194,9
4.	Сабзавотлар	192,0	183,8	252,5
5.	Полиз	115,0	132,4	192,6

1.2-жадвалдан кўриниб турибдики, энг юқори ҳосилдорлик -252,2 сентнер сабзавотчилик соҳасига тўғри келди. Чунки, қишлоқхўжалигида ишлаб чиқаришнинг таббий-иқтисодий омиллари орқали саоҳанинг институтсионал самарадорлиги тамиланади. Шунингдек, республика худудларидан бири бўлган Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалиги соҳаси ва уни бошқаришда институтсионал ўзгаришлар ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Жумладан, вилоят бўйича 2018 йилда ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти жами 989744 млн. сўмлик бўлган бўлса, 2017 йил да 1181911,3 млн, сўмлик етиб, 2016 йил дагига нисбаттан 101,8 фоизга ўсди (1.3-жадвал).

⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. www.stat.uz

1.3-жадвал

Самарқанд вилоятида 2016-2017 йилларда яртилган ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми⁷ (млн. сўмда)

Худудлар	2017	2016	2017 йилда 2016 йилдагига нисбатан ўсиш % да
Вилоят бўйича	1181911,3	989744	101,8

1.3-жадвалдан кўриниб турганидек, Самарқанд вилояти бўйича хўжалик юритувчи субектлар томониданикки йил ичидаги 192167,3 млн. сўмлик кўп ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти яратилди. Умуман олганда, юқоридаги холатлардан келиб чиқиб, республикада қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ва уни самарали бошқариш учун амалга оширилаётган институтсионал ўзгаришлар самарадорлиги асосида белгиланган прогнозлар 2021 йил 2016 йилдагига нисбаттан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштриш ҳажми 1.3 баробар ошириш мумкинлигини кўрсатади. Бунинг учун келгуси йилларда қишлоқ хўжалигига олиб борлидагиган ўзгаришларнинг асосий вазифаси – соҳадаги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, экинлар ҳосилдорлиги ва чорвачлик маҳсулотларини ошириш негизида маҳсулот етиштриш ҳажми изчил ўсиб боришини таъминлашнинг асосий шакли - фермерлик институтини янада мустахкамлаш ва ривожлантириш лозим.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги ва уни бошқариш учун институтсионал ўзгаришларнинг самарадорлигини ошириш соҳа, аҳсулотларини сервис хизматлари кўрсатиш орқали етиштришга ва унинг иқтисодий самарадорлигини янада оширишга имконият яратишга асосланади. Хозирда давлат ғаллачлик билан шуғулланган фрмер хўжаликларини хам молиявий жиҳатдан қўллши талаб этилади.

Давлат ғаллага бўлган талаб, таклиф ошиб боришини рағбатлантиши керак. Бу борадаги таклиф нафақат аҳолининг дон ва дон маҳсулотлари

⁷ Самарқанд вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари.

истемоли даражасига қараб, балки чорвачлик учун зарур керакли омухта ем миқдорини хам ҳисобга олган ҳолда аниқланиши лозим. Бунда доннинг хом ашё сифатида фойдаланишдан олинаётган якуний маҳсулот бирлиги ривожланган давлатларнинг бу борадаги кўрсаткичларига тенглашиши муҳим аҳамиятга эга. Демак, ғаллага бўлган талаб ички истемол меёрларидан келиб чқиб белгиланиши шарт. Шундай қлингандагина, етиштрилаётган ғалла жами талабни қай даражада қондрилаётгани ва ғаллачлик сиёсатини шакиллантиришда меёрдаги талабни аҳолининг сотиб олиш имконияти билан боғлаш лозим. Шундан келиб чиқган ҳолда Ғалла мустақиллиги дастурини амалга аширишда қуидагилар асос қилиб олинди:

- сифат ва сон кўрсаткичларини молиявий ва моддий – техника ресурслари илан боғланиш;
- ғаллачликнинг барқарор ривожланишини ва ғалла бозори шакилланишини таъминлайдиган мажмуий чора-тадбирларини амалга ошириш;
- давлат бюджети ва маҳсулотетиширувчиларнинг маблағларини ишлатиш, ички ва ташқи инветитсияларни жалб қлишнинг ташкилий-иқтисодий механизимини такомиллаштриш.

Хулоса қлиб шуни айтиш лозимки, Ғалла мустақиллиги дастури мамлакатда ғаллачликни ривожлантишнинг иҷтимоий-иқтисодийва сиёсий ҳолатидан келиб чқиб, вақтида илмий асосланган ҳолда тузилган муҳим хужжат булади. Унинг босқичма босқич амалга оширилиши Ўзбекистонда ўтган асрнинг 90-йилларида тўпланиб қолган қатор муоммоларни хал қлиш орқали мамлакатда осойишталик сақлаб қолишини, озиқ-овқат, айниқса, ун ва ун маҳсулотлари тақчиллигининг олди олинишини таъминлайди.

П-БОБ. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВАТЛАШ ОРҚАЛИ ТАЪМИНЛАШ АМАЛИЁТИ

2.1. Фермер хўжаликларини даромадларини шаклилантиш амалиёти

Иқитисодий ислоҳатларнинг изчллик билан амалга ошириш жараёни Ўзбекистонн иқтисодиёти учун ғоят муҳим аҳамият касб этган ҳолда содир булмоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалигига мулк шакилларига бўлган эътиборнинг янада ортиши натижасида фермер ва деҳқон хўжаликлари сонининг ортиб бориши диққатга сазовар бўлиб, айниқса кейинги йилларда мамлакатнинг ичтимоий-иктисодий ривожланишга фермер хўжаликларининг тасири сезилари даражада номоён бўлмоқда. Бу ҳолат фермерлик харакатига бўлган ижобий муносабат билан белгиланиб, қишлоқдаги иқтисодий ислоҳатларни амалга оширишда фермерларга янада кўпроқ эътибор берилаётганидан далолат беради.

Аграр соҳада амалга оширилётган кенг миқёсдаги ишлар кўлами мамлакат ахолисини озиқ-овақт маҳсулотлари ҳамда қайта ишлаш саноати корхоналарини хом ашё ресурслари билан тўлиқ таъминлашга қаратилган бўлиб, бу жараёнда фермер хўжаликларини хар бир худуд, вилоятда барқарор ривожланишини таъмин этиш муоммолари билан боғлиқ масалаларга хам етарли даражада эътибор бериш лозим бўлади. Фермер хўжаликларини ташкил қлиш, ривожлантиш ва ер самарадорлигини ошириш ҳамда шу орқали фермер хўжаликлари даромадларини янада кўпайтиш ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда. Лекин хар қандай ривожланишнинг асосини даромаднинг шакилланиши ва ундан оқилона фойдаланиш таъминлайди. Шунинг учун хам хозирги кунда фермер хўжаликлари даромади, унинг моҳияти, манбаси, таркиби ва бошқа масалаларини ўрганишга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Хусусан, мамлакат қишлоқ хўжалигига амалга оширилаётган иқитисодий ислоҳатларни қанчалик самарали йўллар билан олиб борилаётганлиги

хўжалик юритишнинг фермерчлик харакатларини янада ривожлантиш, бринчи навбатда, унинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ. Самарадорликнинг бир неча мезонлари болиб, улардан бири ялпи даромаддир. Ялпи даромад ўзида яратилган маҳсулот ва ресурсларни ифодалайди.

Мамлакат халқ хўжалигида ишлаб чиқариш ошиши ахоли жон бошига тоғри келадиган даромадни ошиши билан ўлчанса, қишлоқ хўжалигида хусусан фермер хўжаликларида эса бу кўрсаткич ўртacha 1 гектар ҳисобига, 1 бош чорва моли ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ошиши ялпи даромаднинг ошишига олиб келади.

Бозор муносабатлари шароитида молиявий самарадорликни ошириш имкониятидан тўлароқ фойдаланишда, уни аниқ ифодаловчи иқтисодий кўрсаткичлар тизимини услубий жиҳатдан тўғри белгилаш муҳим аҳамиятга эгадир ва бу ерда асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб фермер хўжаликларининг даромадлари юзага чиқади. Самарадорликни белгиловчи кўрсаткичалар ичida фермер хўжаликларининг даромадлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлсада, унинг фойдаси асосий кўрсаткичлардан бири сифатида фойда қўйидаги жарёнлар асосида шакилланади:

- маҳсулотларни сотишдан олинган ялпи фойда;
- хўжлик асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг фойдаси.

Умумхўжалик фойдаси, яъни уюшма ва шуба корхоналридан оллинган дивидентлар, бошқа олинган дивидентлар, уюшма ва шуба корхоналаридан олинган ва берилган қарзлар бўйича фоизлар, валюта курс фарқлари, молиявий фаолиаят бўйича бошқа даромадлар:

- Солик тўлагунга қадар бўлган умумий фойда;
- Ҳисобот давридаги соф фойда.

Фойданинг миқдори хажмидан ташқари Товар ишлаб чиқариш (иш химат) билан боғлиқ харажатларнинг рентабеллигини ўрганиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу нисбий кўрсаткичдан фойдаланиш корхонлар,

тармоқлар ва айрим маҳсулотларнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга имкон яратади. Ишлаб чиқариш самарадорлигини характерловчи асосий кўрсаткичлардан яна бири рентабелки даражаси бозор иқтисди шароитида маҳсулотларни реализатсия қлишдан олинган фойдани (Φ), шу маҳсулотни этиштриш учун кетган харажатларга (T_a) тақсимлаб фоизларда қуидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$P_d = \Phi / T_a * 100$$

Рентабеллик бундай усулда аниқланганда, унинг хар бир % И хар бир сўм сарфига олинган тийин фойдани билдиради. Ренатбеллик – бу, корхонанинг даромадининг даражисини характерловчи кўрсаткич бўлин, шу орқали корхонадаги ҳар бир сарф қлинган сўм ҳисобига қанча қошимча фойда олишлиги кўрсатилади.

Демак, ренатбеллик- бу маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотища моддий меҳнат срфлари бирлиги учун олинган фойдани кўрсатади. Рентабеллик хар бир сўмлик ишлаб чиқариш харажатидан даромад билан қоплангадан кейин қўшимч (даромад) қанча даромад келтришини кўрсатади. Фермер хўжаликларида иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари бу жонли ва буюмлашган меҳнатдан фойдаланиш туфайли пировард натижада эришилган самара билан ифодаланиб, чегараланган ресурслардан оқилона фойдаланган холда юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ошириш орқали истеъмолчилар талабини тўлароқ қондришдан иборат эканлигини исботлайди.

2.2. Фермер хўжаликларини кредитлаш асосида молиялаштириш холати

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида республика кишлок хужалигини ислохкилиш янада жадаллашмоқда. Бу жараёнда фермерликка устуворлик берилаётгани кўплабмуаммолар эчмини топишда, айниқса, қабул қилинаётган қарор ва фармонлар худудияхамиятга эга эканлиги тармок самарадорлиги ортишида ўзига хос ўрин тутмоқда. Бунда Вазирлар

Махкамасининг 2002 йил 7 ноябрдаги 383 - сонли қарори ва унинг Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалигидаги ижроси самараси мисолида хам кўриш мумкин.

Такидлаш керакки, вилоятда ушбу қарорига асосан пахтачилик ва галлачилигига ихтисослашган фермер хўжаликларнни имтиёзли кредитлаш тизими синов сифатида жорий этилди. Шу муносабат билан 2003 йилда фермер хўжаликларини ғалла ва пахта этиштришибилан боғлик харажатларини марказлаштирилган транс оркали аванслашдан воз кечилди

Имтиёзли кредитлар тижорат банклари томонидан йиллик 5 фоиз устама билан берилибуларни қайтармаслик хатарини фермер хўжаликлари ўз ҳисобларидан 2,5 фоиз билансуғурта қилиши белгиланди.

2007 йилда Вазирлар Махкамаси томонидан қабул қилинган «Давлат буюртмасибўйича пахта хом ашёси ва ғалла этиштирувчи фермер хўжаликларининг харажатларининг тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида»ги қарорга кўра, кредитларининг қайтармаслик хатарини тижорат банклари ўз маблаглари ҳисобидан амалга ошириш бошлашди.

Натижада хўжаликлар имтиёзли кредитлардан фойдаланганлик учун 3 фоиз устама туладиган, кредитни қайтармаслик хатарини эса 0,75 фоиз билан суғурта қиласиганбўлишди.

Бугун ҳам амал қилаётган ушбу тартибга кўра, кредитлар хар йили шартномада кўзда тутилган: пахта хом ашёси қийматининг 10 фоиз микдорида 1-январгача, 25 фоизи микдорида, 1-апрелгача 50 фоизи микдорида 1-июлгача, 60 фоизи микдорида 1-сентябргача; ғалла қийматининг 35 фоизи микдорида 1-январгача, 50 фоизи микдорида 1-апрелгача, 60 фоизи микдорида 1-июнгача берилади.

Вилоятда фермер хўжаликлаига ваколатли бошқа ташкилотлар орқали хам кредитлар ажратилмоқда (2.2-жадвал).

2.2-жадвал

Самарқанд вилоятида фермер хўжаликларига 2016-2017 йилларда ваколатли турлари ташкилотлар орқали ажратилган кредитлар

№	Ташкилотлар	Млн. сўм
1	Банкларнинг маблағлари	1804,95
2	Бизнес фонд*	303.81
3	Фермер хўжаликларини кўллаб-куватлаш жамғармаси	114.81
4	Бандлик жамғармаси	231
5	Жами	2453.96
Микрокредитлар		
6	Банкларнинг маблағлари	1076.87
7	Бизнес фонд*	172.95
8	Фермер хўжаликларини кўллаб-куватлаш жамғармаси	90.3
9	Бандлик жамғармаси	190.4
10	Жами	1530.2

Манба: Самарқанд вилояти тижорат банклари маълумотлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 декабрдаги 563-сонли фармонига мувофиқ, Бизнес-фонд тутатлиб, унинг маблағлари ва ваколатлари республикада “Агробанк”ига ўтказилган.

2.2-Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, фермер хўжаликларига кредитларнинг 1804.95 млн сўми ёки 73.6 фоизи, микрокредитларнинг эса 1530.2 млн сўми, яъни 70.4 фоизи тижорат банклари томонидан, қолгани эса бошқа каналлар орқали ажратилган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, кредитлаш тзимининг бугунги кун холати фермерлар талаби ва хоҳиш истакларини қондира олмайди. Чунки, берилаётган кредитлар миқдори пахта хом ашёси ва ғаллага тузилган контрактсия шартномасидан келиб чқиб белгиланмоқда. Амалётда эса ушбу кредитларнинг муайян қисми олдиндан белгилаб қўйилган йўналишларга ишлатилмоқда. Бу шундан далолат берадики, хўжаликларнинг эркин равишда кредит олишга бўлган имконияти чекланганлиги улар ўртасида кечадиган рақобат қураши ривожланишини рағбатлантираётгани йўқ.

Шунингдек, асосий воситалрни янгилаш учун узоқ муддатли кредит тизимини ривожланмаганлиги, давлат буюртмаси ва буюртмадан ташқари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кредитлашдаги тафоутлар ва олинган кредитлар фоизини қайтаришни давлат томонидан молиялаштриш механизимида камчиликлар мавжудлигини вилоятнинг Оқдарё, Паяриқ, Иштихон ва Пастдарғом туманлари фермерлари ўртасида ўтказилган сўров натижалари ҳам тасдиқлади.

Таҳлиллар кўрсатишича, сўров иштрокчиларнинг 38 фоизи қишлоқ хўжалигига асосий воситаларни янгилаш учун узоқ муддатли кредитлар ажратиш тизимини ривожлантишни ушбу йўналишдаги уствор вазифа деб ҳисоблайдилар. Дарҳақиқат, бугун қишлоқ хўжалигига узоқ муддатли кердитлар ажратиш кенг йўлга қўйилмаганлиги, шакилланиши ва ривожланиши учун асосий воситалар етишмаслиги фермер хўжаликлари тўлқаонли рақобат муҳтида фаолият юритишларига имконият бермайди. Демак, узоқ муддатли кредит беришни кенг йўлга қўйиш орқали фермер хўжаликларининг иқтисодий-молиявий ҳолатини яхшилаш зарур.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибида пахта ва ғалланинг улуши юқорилигини ҳисобга олсак, имтиёзли кредитларнинг аксарият қисми давлат буйртмаси бўйича маҳсулот етиштирувчи хўжаликларга ажратилмоқда. Давлат буюртмаси бекор қлинган маҳсулотлар етиштрувчи хўжаликларга кредит ажратиш муммоси эса хамон ечиимини кутмоқда.

2.3. Фермер хўжаликларини фаолиятини кенгайтишнинг кредитлаш орқали қўллаб-қуватлаш имкониятлари

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бошқа тармоқларнинг жадал суръатлар билан ривожланишига қарамасдан қишлоқ хўжалиги мамлакатимизда етакчи тармоқлардан бири бўлиб қолмоқда.

2.1-жадвал

ЙИМда Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улуши⁸

	2013	2014	2015	2016	2017
ЙИМ шу жумладан:	100	100	100	100	100
Саноат	21,2	22,0	24,0	22,3	24,0
Қишлоқ хўжалиги	26,3	24,2	24,7	19,4	18,2
Транспорт	10,5	11,4	11,1	12,7	12,0
Курилиш хизматлари	4,8	5,1	5,5	5,6	7,0
Савдо ва умумий овқатланиш	8,8	9,5	9,4	9,1	9,0
Хизмат кўрсатиш	17,7	18,6	18,9	21,5	23,0
Бошқалар	10,7	9,2	9,4	9,3	6,8

Юкоридаги 2.1-жадвалда кўриниб турибдики, ЙИМда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг улуши 2013 йилга нисаббатнохирги йилларда камайиши кузатилаётган бўлса ҳам, унинг таркибида салмоқли ўрин тутмоқда. Қишлоқ хўжалигига ислоҳатларининг чқурлашуви, меҳнатни самарали ташкил этишда фермер хўжаликларининг афзаликлари инобатга олинган ҳолда уларга ажратилаётган ер майдонлари миқдори ҳам ошиб бормоқда.

2.2-жадвал

Республика бўйича фермер хўжаликлари сони ва уларга ажаратилган ер майдонларининг ўзгариш динамикаси⁹

	2013	2014	2015	2016	2017
Фермер хўжаликларисони (минг дона)	125,7	189,2	217,1	108,6	80,6
Ажратиб берилган ер майдони (минг гектар)	4953,2	5521,8	5824,8	5824,8	5828,5

⁸ Ўзбекистон Республикаси Иктисадиёт вазирлиги маълумотлари асосида тузилди

⁹ Статистик маълумотлар асосида муалиф томонидан тузилди.

2.2-жадвалда республикамизда фермер хўжаликлари сонинг ўсиб бориши билан биргаликда, мутоносиб равишда уларга ажратилган ер майдонлари ҳам йилдан йилга ортиб бориб, 2017 йилга келиб 5 млн. 828.5 минг гектарни ташкил қилган.

Юқорида такидлаганидек, фермер хўжаликлари сонинг ва уларга ажартилаётга ер майдонларининг ўсиши мутоносиб равишда ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсултлари етиштришда уларнинг салмоғи ортишига олиб келмоқда.

Тахлилларимиз кўрсатишича 2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштришда фермер хўжаликлари улуши 18,6 фоиздан 32,6 фоизгача ўсган, шу билан бир қаторда ширкат хўжаликлари улушкининг сезиларли даражада қисқарганлиги кузатилмоқда¹⁰.

Қишлоқ меҳнаткашлари таркибидан мулқдорлар сафини шакиллантириш дастлаб қишлоқда янги иш ўринларини барпо этиш, саноатни қишлоқга олиб криш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш даражасини оширишда муҳим ўринни эгаллайди. Фермер хўжаликалари иқтисодий жиҳатдан бақувват бўла бошлагандан сўнг у хўжалик фаолиятини кенгайтради. Иқтисодий барқарор фермер хўжалари сонини кўпайтиш қишлоқда мулқдорлар синифини шакиллантириш, провард натижада қишлоқда аҳоли бандлиги муммоларини ҳал қилинишида асосий рўл ўйнайди.

Юпридагиларни инобатга олган ҳолда қуйидагиларни алоҳида таъкидлаш мумкин:

Бринчидан, қишлоқ хўжалигига ўткаазилган самарали ислоҳатлар натижасида маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг мулкига эгалиги тубдан ўзгаради. Фермер ва деҳқон хўжаликларига ердан узоқ ва самарали бошқариш ҳуқуқи берилади ва улар ерга эгалик ҳуқуқини ҳис эта бошладилар.

¹⁰ Статистик маълумотлар асосида муалиф томонидан ҳисобланган.

Иккинчидан, қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотни ва уни сотишдан тушган маблағларни тасарруф қилиш ҳукуқи ўзгаради.

Учинчидан, қишлоқада мустақил фикир юритдиган мулкдорлар сифи пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Тадқиқотимиздан банк кредитлари фермер хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларининг узлуксиз ва самарали ташкил этилишининг асосий омили эканлигини эътироф эилади. Йирик тижорат банкларимиз кредит портфелида қишлоқ хўжалик корхоналрига ажратилган кредитлар салмоғи ортиб боради.

АТБ “Агробанк” кредит портфелида қишлоқ хўжалиги корхоналарига ажратилган кредитлар 2013 йил 22 фоизни ташкил этган бўлса 2017 йилга келиб унинг улуси 51 фоизига етган. Харажатлар (ёқилғи, минерал ўғитлар ва қ.қ) микдорининг ўсиши нисбатига олиниши мақсадга муофик бўлар эди.

III-БОБ. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРШ ВА КРЕДИТЛАШТРИШ МЕХАНИЗИМИНИ ТАКОМИЛАШТИРИШ

3.1. Фермер хўжаликларинимолиявий қўллаб қуватлаш орқали улар даромадларини ошириш омиллари

Даромадлар фермер хўжаликварининг хам яшовчанлигини кафолатлади, такрор ишлаб чиқаришни молиялаштриш манбаи, ресурслардан самарали фойдаланишининг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади, хўжалик барқарорлигининг хал қилувҳи омили бўлиб хизмат қиласи ва шулар асосида ижтимоий-иктисодий ривожланиш жараёнлари таъминлайди.

Фермер хўжлигининг жами даромади иқтисодий фаолият натижасида унинг ихтиёрига ўтган ҳамда мулкига айланган пул ва моддий шакилдаги тушумлари, даромади эса аввало, қишлоқ хўжалиги Товар маҳсулотлари ва хизматлар сотилиши туфайли олинган пул тушумидан иборат ҳолда шакилланади.

Фермер хўжаликлигига даромадларнинг иқтисодий мазмунидан келиб чиқган ҳолда туркумлаш лозим. Бу уларнинг ички тузилишини, шкил нисбатини, камидаги хиссини аниқлаштиради. Шу сабабли даромад турли шакил ва манбаи жиҳатидан хам қаралиши мумкин. Мазкур хўжаликларда даромадлар шклига кўра, пул ва натурал, бозор ва нобозор натижаларга ажратилади. Пул даромадлари, ўз навбатида, иш хақки, фойда, мулқдан даромад, дивиденд, фоиз пули ва бошқа даромадлардан иборат бўлади. Уларнинг нисбати даромадлар таркибини келтриб чиқаради.

Фермер хўжаликлари даромадларининг шакилланиши ва пировард натижада ундан фойдаланиш жами жиҳатлар ва олнган фойда билан якунланар экан. Шу билан бир вақтда асосий фаолиятдан ташқари яна қўшимча фаолият ҳисобига ҳам даромадларнинг кўпайиши содир бўлиши мумкин.

Бошқа даромадларга товбарларни ишлаб чиқариш (ишларни бажариш, хизматларни қўрсатиш) ва сотиш билан боғлиқ бўлмаган оператсиялардан олинадиган қуйидаги даромадлар киради:

- асосий воситалар ва бошқа мол-мулкни сотишдан олинадиган даромадлар;
- мол-мулкини ижарага беришдан олинадиган даромадлар;
- асосий воситалар ва номодий активларни молиявий ижарага беришдан олинадиган даромадлар;
- текин олинган мол-мулк, мулкий ҳукуқлар, шунингдек, ишлар ва хизматлар;
- инвентаризатсия натижасида аниқланган ортиқча Товар-моддий захиралар ҳамда бошқа мол-мулк қиймати тариқасидаги даромадлар;
- ҳисббот йилида олинган ўтган йиллардаги даромадлар;
- мажбуриятларни ҳисбдан чиқаришдан олинган даромадлар;
- ўзганинг фойдасига вос кечиш шартномаси бўйича олинган даромадлар;
- жами дароммадан илгари чегриб ташланаган харажатлар ёки заарларнинг ўрнини қоплаш тарзида олинган даромадлар;
- биргаликдаги фаолиятда иштрок этишдан олинадиган даромадлар;
- валюта ҳисоб варақлари бўйича курсдаги ижобий фарқ, шунингдек, чет эл валютасидаги оператсиялар бўйича олинган даромадлар;
- дивидентлар ва фоизлар
- товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва реализатсия қилиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган оператсиялардан олинадиган бошқа даромадлар;
- фермер хўжаликларидан ташқари товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлган фаолиятдан олинадиган бошқа даромадлар;
- фермер хўжалигидаги даромадлар;

- бозор даромадлари сифатида;
- натурал-моддий шкилда юзага келади.

Бозор даромадлар бозор учун ишлаш, ресурсларни самарали ишлатиш ва тан олинган натижага тўланадиган ҳақ сифатида номоён бўлади;

Натурал-моддий шкилдаги даромадлар нобозор даромадларини ташкил клиб, бир қисми ишлаб чиқариш жараёнида яратилса, қолган қисми турли моддий ёрдам ва пул трансферларидан иборат бўлади. Даромадлар, бир томондан ресурслар сарфи натижаси бўлса, иккинчи томондан иқтисодий механизм ҳосиласи сифатида юзага келади. Қайси омиллар даромад турларини келтриб чиқаришга қараб натижа ўзлаштиради. Даромадларнинг ҳосил бўлиши ва ўсиб бориши иқтисодиётнинг объектив қонунлари доирасида юз беради ва бу қонунларга бўйсунади. Фермер хўжалиги даромади таҳлилиниң муҳим метаталогик тамойили уни статис эмас, балки динамик ҳолатда, яъни харакатда ўрганишдир. Бунда ресурсларнинг ишлаб чиқариш омилларига аяланишини ва улар ўз эгасига даромад келтришини назарда тутиш лозим.

Ишлаб чиқариш хажмининг ўзгаришига қараб харажатлар доимий, ўзгарувчан, маржинал ва ўзгарувчан харажатларга бўлинади. Ўзгарувчан харажатлар ишлаб чиқариш хажми ўзгариши билан ўзгаради. Ишлаб чиқариш хажми ўзгариши билан харажатларнинг бир қисми ўзгармайди, бундай харажатлар доимий харажатлардир. Яъни даромаднинг иқтисодий харажатлар ва иқтисодий фойдага тақсимланиши, бухгалтерия харажатлари (ташқи харажатлар) ва бухгалтерия фойдаси (ички харатлар, ўртача фойда ва иқтисодий фойда)га тақсимланади. Фермер хўжалиги бухгалтерия ҳисобларида қайд этилган харажатлар бухгалтеря (ташқи) харажатларни ташкил этади, мазкур харажатлар иқтисодий фаолиятда бухгалтерия ҳисобларида қайда этилмайдиган харажатлар ички харажатлар ёки аниқ бўлмаган харажатлардир.

Барча ишлаб чиқариш омилларига фермер хўжаликларининг сарфи, турли тўловлар ва меъёрий фойда тўлиқ иқтисодий харажатларни ташкил қиласди. Лекин қўлланилайтоган ресурсларнинг миқдори ишлаб чиқаришни ривожлантишнинг ўсишидан далолат бермайди. Бунда ишлаб чиқариш харажатларининг сифати ётади. Шунга кўра, хўжаликдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришдан яратилган жами даромад ресурслар нархигина эмас, балки қай хажимда қандай ресурслар ва технологиялар қўлланилишига ҳам боғлиқ бўлади.

3.2. Фермер хўжаликларини молиялаштириш орқали такомиллаштриш имкониятлари

Фермер хўжаликларини молиялаштириш орқали қўллаб-куватлаш хозирги кунда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда амлиётда ушбу йўналишда фаолият кўрсатаётган фермер ва дехқон хўжаликларига имтиёзли кредит бериш тзими мавжуд эмас. Натижада банклардан олаётган тижорат кредитлариғизи юқори, акасаирят холларда бу уларни қийин аҳволга солиб қўймоқда.

Ўрни келганда айтиш керакки, қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлариданм келиб чиқган холда паст фоизли кредит бериш тзимини шакиллантириш ва кейинг босқичада бу масалага хукумат миқёсида эътибор бериш зарур. Қолаверса, озиқ-овқат муммоси дунё миқёсида кучайиб бораётга, республикамиз аҳалисининг сифатли ва хафсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масалаларига алоҳида аҳамият берилаётган хозирги шаритда хўжалик юритиш шакилларини банк кредитлари орқали имтиёзли равишда молиялаштишнинг янги тартибини ишлаб чқиши долзарб аҳамият касб этади. Бу эса, авваламбор, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштрувчи барча турдаги хўжаликлар учун рақобат муҳити янада ривожланишига бевисита таъсир кўрсатади. Вилоят фермерлари ўртасида ўтказилгансўров иштрокчиларининг 30 фоизи кредит ажратишда давлат

буйртмаси ва ундан ташқари маҳсулот етиштрувчи хўжаликларга тенг имтиёзлар яратиш зарурлигини таъкидлашгани хам бежиз эмас.

Таъкидлаш керакки, тижорат банклари томонидан пахта ва ғаллага ажратилаётган кредитлар уларни етиштриш қийматини 60 фоизни қоплади. Қолаверса кредитларнинг устами фоизлари аввалига йўллардагига нисбаттан анча пасайтирилган. Аммао шунга қарамай, хўжаликларни имтиёзли кредитлар билан таъминлашда қатор муоммолар мавжуд. Чунончи хамон:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштриш харажатларини молиялаштриш учун ажратилаётган кредитлар агротехник хариталар асосида белгиланмоқда;
- харжатлар турлари йўнлишларига бўлинганлиги хўжаликларнинг ушбу кредитда самарали фойдаланиш имкониятини чекламоқда;
- кредитга бўлган талаб миқдорини аниқлашда ўтган йилги харид баҳоларидан келиб чқилмоқда, харажатлар эса жорий йил нархлари бўйича ҳисобланмоқда. Оқибатда олинаётган кредит тафовут ҳисобига харажатларни тўлиқ қоплаш имконини бермаяпти;
- қишлоқ хўжалиги экинларига ишлов бериш муддати имтиёзли кредит ажратишида ҳисобга олинмябди;
- ажартилаётга имтиёзли кредитлар миқдордан солиқ бўйича қарзлар ушлаб қолинмоқда;
- имтиёзли кредитлар харажатининг 60 фоизи миқдорида бўлишига қарамай, мажбирий суғурталш миқдори жами маҳсулот қийматидан келиб чиқсан ҳолда белгиланмоқда.

3.3. Фермер хўжаликларини имтиёзли молиавий ва кредитлар бериш орқали қўллаб-куватлаш механизимини такомиллаштириш йўллари

Фермер хўжаликларига ажратиладиган имтиёзли кредитларнинг, фермерлар томонидан амалга ошириладиган харажатларга мутаносиблигини таъминлаш мақсадида маҳсус ҳисобрақамларидан очиладиган кредит

линияси орқали имтиёзли кредитлашга ўтиш тавсия этилади. Ушбу маҳсус ҳисобрақамлардан фермерларнинг айланма маблағларига булган талаблари тулиқ қондирилади ва ушбу ҳисобрақамга уларнинг маҳсулот сотиш ва хизмат кўрсатиш жараёнларидан тушган маблағлари акс эттирилади. Фермерлардан кредит туловлари учун фоизлар ушбу ҳисобрақамнинг факат дебет қолдиқларидан ҳисоблаб борилади.

Маълумки, "Жамғарма" дан маблағлар пахта ва ғалла этиштириш харажатларининг 60 фоизи миқдорида ажратилади. Ушбу холат аксарият фермер хўжаликларида шу жумладан янгидан ташкил этилган хўжаликларида йил давомида оборот маблағларининг етишмаслигига олиб келади. Шунинг учун, "Жамғарма" дан ажратиладиган маблағлар миқдорини хўжаликлар фаолияти, ернинг хосилдорлик даражаси, хизмат курсатиш шохобчалари ва сув ресурсларидан узоқ-яқинлиги каби омиллар инобатга олган ҳолда табақалаштириш тавсия этилади.

Айланмамаблағларигабўлганталабнитулақонлиравищақондиришучун имтиёзликредитлаштизиминикенгайтиришлозим.

Харакатдаги тартиб ва низомларга кўра фермер хўжаликлари айланма маблағларининг етишмаган қисмини бўлгуси хосил гарови ёки ердан фойдаланиш хуқуқи гарови эвазига тижорат банкларидан кредит олиш хуқуқларига эгадир. Фикримизча, ушбу кредитлардан фойдаланишда айrim қийинчиликлар мавжуд бўлиб, улар биринчидан "қиммат" (фоиз тулови юқори) кредитлар ҳисобланса, иккинчидан уларни расмийлаштириш жараёни (асосан гаров мулкини баҳолаш ва уларни расмийлаштириш) фермерлар учун айrim қўшимча харажатлар ва қийинчиликлар туғдиради. Кейинги даврда ернинг мелиоратив холатини яхшилаш, қишлоқ хўжалигини замонавий техникалар билан таъминлаш масалаларига эътибор кучайтирилмоқда. Буларни амалга ошириш учун узоқ мудатли инвестициялар талаб қилинади. Фикримизча, узоқ мудатли инвестицияларни амалга ошириш учун хориж мамлакатлари амалиётидан кенг фойдаланиш лозим. Булар, биринчидан

қишлоқ хўжалиги учун қимматли қоғозлар (селхоз заем) чиқаришнинг хуқуқий ва амалий асослари яратилиши лозим, иккинчидан жойларда бир-бирлари билан туташ фермер хўжаликлари ўртасида кредит уюшмалари ташкил этиш ва унинг маблағларини ернинг мелиоратив холатини яхшилаш учун сарфлаш мақсадга мувофиқдир. Юқоридагиларнинг барчаси қишлоқ хўжалигига мехнат унумдорлигининг ошишига, ахолининг иш билан бандлиги даражасининг ўсишига ва пировард натижада қишлоқ ахолисининг турмуш даражасининг юксалиб боришига туртки булди.

Республикамиз фермер хўжалигини кредитлаш механизимини такомиллаштришнинг объектив зарурияти қўйидагилардан иборат:

- бозор иқтисодиётига ўтишда ривожланаган давлатлар тажрибаларини ўрганиш, иқтисодчил олимлар томонидан ишлаб чқилган назароялар ва қарашларни назарий тахлил қлишда, кредит муносабатларига оид айrim атамалар ва тушунчаларни талқин қлишда ягона ёндашув ва фкирларнинг йўқлиги;

- қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқаришнинг мавсумийлиги ва ишлаб чиқариш жараёнинг узоқ мудатли давомийлиги, таббий-иклим шароити билан боғлиқлиги сабабли ушбу соҳа кам рентаббели ҳисобланади ва банк кердитлари учун фоиз стафкаларининг юқорилиги сабабли банк кредитларидан фойдаланиш юқори самара бермаслиги, ерлар мелиоратив холатини бузулганлиги, ушбу тармоқда фаолият юритувчи корхоналарнинг молиаявий ҳолати ёмонлашишига сабаб бўлмоқда, бу эса ўз навбатида ушбу корхоналарнинг кредитга лаёқтлилик кўрсаткичларининг пасайишига олиб келмоқда ва тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига берилган кредитларнинг қайтмаслик хатар даражаси юқорилиги туфайли кредитлар берилиши муоммога айланмоқда;

- фермер хўжаликларини кредитловчи банкларда кредит фоизи стафкаларининг юқорилиги, банкдан ташқари кредит муассасаларида эса кредитлаш механизмининг тижорат банкларида кредит линияларини очиш

орқали кредитлар бериш жараёнини мураккаблаштрилиб юборилишига сабаб бўлмоқда;

- янги ташкил этилган фермер хўжаликларида айланма маблағларни тўлдриш учун бериладиган кредитларни таъминлаш мақсадида талаб қлинадиган гаров мулкининг етишмаслиги, шунингдек, чет эл валютасида кредитларни олишда таъминот тури бўлган гаров шартномасини расмийлаштриш гаровга қўйилган мол-мулкни чет эл валютасида нархлаш муоммоларини бартараф этиш муҳим аҳамиятга эга.

Қишлоқ хўжалигини кредитлаш бўйича чет эл тажрибалари таҳлил қлиниб, унинг ўзига хос хусусиятлари аниқланади ва Ўзбекистон шароитига мос равишда ўзгартришлар билан амалиётга тадбиқ этиш механизими ишлаб чқиласди. Чет эл кредит уюшмалари фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири, ушбу уюшмалар фермерлар асосстсатсияси негизида ташкил этлиб, кредит ресурслари 100 фоиз давлат бюджети ҳисобига амалга оширилади. Шу сабабли Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси бошқарув аппарати тубдан ўзгартрилиши, шунингдек, унинг маҳаллий вакиллари негизида кредит уюшмалари ташкил этиш таклиф этилди ва кредит уюшмалари фаолиятининг дастлабки даврларида давлат томонидан қўллаб-қуватланиши, “Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қуватлаш фонди” маблағлари, бандлик фонди, халқаро фондлер, Осиё тараққиёт банки ва Жаҳон банкининг молиявий ёрдамларини жалаб этиш зарур.

IV-БОБ. АТБ «АГРОБАНК» ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ҲОЛАТИ ВА САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

4.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг аҳамияти

Ватанимиз миллий давлатчилиги ва иқтисодий мустақиллиги, қудратли интеллектуал салоҳиятининг юксак бўлишида сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва маърифий йўналишларда олиб борилаётган кенг қамровли тадбирлар мажмуасида, аҳоли ва ҳудудларни турли вазиятлардан муҳофаза қилиш, инсон хавфсизлиги ва саломатлигини сақлаш алоҳида ўрин тутади, шунинг учун ҳам бу соҳа миллий давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримов мазкур масаланинг долзарблигига алоҳида эътибор бераб, республикамиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ «Сиёсатимизнинг асл моҳияти аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, уларни турли хил оғатлар ва фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилишдир» деб алоҳида таъкидлаб келмоқдалар.

Олдинги асрда икки қарама-қарши сиёсий қарашларнинг бир-бирига фаол қаршилиги вақтларида бутун аҳоли қатлами фақат замонавий қирғин куроллари ва хужумкор воситалардан ҳимояланиш руҳида тарбияланган бўлса, ҳозирги вақтда фуқаро муофазаси янги ижтимоий-итисодий зарурият асосида шаклланмоқда, мамлакатимизни ва аҳолини турли фалокатлар ва алокатлардан сақлаш уларнинг меҳнатини, яшашини муҳофаза этиш руҳида тарбиялашга йўналтирилмоқда.

Шунинг учун фуқароларни турли бўладиган таъсирлардан сақлаш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланса, худди шундай бизнинг ўлкамиз табиий оғатлар (ер силкиниши, ер сурилиши, сел, сув тошқини ва ҳ.к.) бўлишига мойил ўлка бўлганлигидан ҳамда техноген авариялар ва экологик мувозанатни бузилиши натижасида унинг оқибатларидан, фуқаролар меҳнат муҳофазасини, халқ хўжалиги тармоқларини, моддий ресурсларни, техникаларни ва табиатни асраш, заарар кўрган ҳудудларда

қутариш – тиклаш ишларини олиб бориш ҳам жуда муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Юқоридаги вазифаларни ҳал қилишда Ўзбекистон мінтақаси учун хос бўлган табиий оғатларни, ишлаб чиқариш аварияларини ва юзага келадиган экологик вазиятларни фуқаро ҳаёт фаолиятидаги меҳнат хавфсизлигини чуқур таҳлил этиш натижасидагина ҳар қандай вазиятлардаги моддий, маънавий йўқотишлар кўламини қисқартиришга эришиш мумкин.

Инсон ва табиат жамият ўртасидаги муносабатда ҳам, инсон табиатнинг қонунлари ва ундан келиб чиқадиган қўпгина ҳодисаларнинг олдида жамиятларнинг ўртасида ёки бошқа сабаблардан келиб чиқадиган вазиятларда хозирда инсон ожизлик қилиши мумкин.

4.2. АТБ «Агробанк» Қўшработ филиали ҳодимлари ҳодимлари меҳнат ва ёнгин хавфсизлиги доирасидаги чора-тадбирлари

Саноатнинг барча тармоқларида ҳодимлар саломатлигини ҳимоя қилиш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва техника хавфсизлигини таъминлашга доир омилларини излаб топиш, меҳнатни самарали ижодга айлантириш жамиятимизнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ҳодимларнинг саломатлигини сақлаш касб касалликлари ва заҳарланишларнинг олдини олишда, шунингдек уларни камайтиришда, ишга қабул қилишдан олдин ўтказиладиган тиббий қўрик ҳамда ишлаб чиқаришда зарарли, нохуш меҳнат шароитларида ишлаётган ҳодимларни даврий қўрикдан ўтказиб туриш чора-тадбирлар ичida муҳим ўрин тутади.

Рахбарлар таркибини, тузилмалар ва аҳолини ўқитишда уларни амалий машғулотларга жалб қилиш катта аҳамиятга эга. Амалий машғулотлар раҳбарлар таркибини, Фуқаро муҳофазаси(ФМ)¹¹ кучларини ва аҳолини ФМ вазифаларини бажаришга тайёрлашнинг юқори ва фаол шакли ҳисобланади. Амалий машғулотларда тузилмаларга кирган фуқароларнинг аниқ ва тартибли ҳаракатлари, турли хил жихозлар, асбоб-ускуналар, техникалардан

¹¹Фуқаро муҳофазаси кейингиларда-ФМ

фойдаланиш услуглари ўрганилади, алоқа ва тузилмаларни бошқариш масалалари ишлаб чиқилади.

Фуқоро мухофозаси (ФМ) нинг амалий машғулотларини замон талабларига мос ҳолда ўтказиш, фуқароларни душман томонидан қўлланиладиган замонавий қурол воситаларидан, шунингдек, худудимизда кузатиладиган табиий оғатлар, ишлаб чиқариш авариялари ва фожиалар оқибатларидан мухофаза қилиш, одамларда маънавий-ижтимоий психологик сифатларни тарбиялаш, объектларни узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлаш, қутқарув ва тиклов ишларини ошириш бўйича билимларини, қобилиятларини ошириш имконини беради.

Ёнгин халқ хўжалигига катта моддий зарап келтиради. Бир неча минут ёки соат ичida жуда катта микдордаги халқ бойликлари ёниб кулга айланади. Ёнгин вақтида ажralиб чиқадиган тутун, карбонат ангидрид ва бошқа зарарли ҳид ҳамда газлар атмосферага кўтарилиб, ҳавонинг таркибини бузади. Бундан ташқари, кишиларнинг жароҳатланишига, ҳатто ўлимiga сабаб бўлади. Буларнинг ҳаммаси, ёнгинга қарши кураш тадбирлари ва ишларнинг хавфсиз бажариш усусларини меҳнат мухофазаси билан биргаликда ўрганишни тақозо қиласди.

Республикамизнинг ҳар бир фуқароси жамоат ва давлат мулкини кўз қорачиғидай сақлаши, асрар авайлаши, уни бойитиш ҳақида қайғуриши керак. Шунинг учун корхоналарда ёнгиннинг олдини олиш ва ўт ўчириш тадбирлари кенг жамоатчиликка суюнган ҳолда олиб борилади. Ёнгин мухофазасини ташкил қилиш касбий ва ихтиёрий турларга бўлинади.

Касбий ёнгин мухофазаси ўз навбатида ҳарбийлаштирилган (йирик шаар ва мухим объектларга хизмат кўрсатади), ҳарбийлаштирилмаган (туман марказлари ва йирик саноат объектларига хизмат кўрсатади) ва тармоқ (айрим бирлашма ва корхоналарга хизмат кўрсатилади) турларига бўлинади.

Ёнгин хавфи кам бўлган ҳамда кичикроқ корхона ва муассасаларда ёнгин мухофазаси ва объектни қўриклиш хизмати биргаликда қўшиб олиб

борилади. Корхоналарда ёнгин муҳофазасини ташкил қилиш ва ёнгин чиқишини огохлантириш ўт ўчириш техникаси ҳамда қуролларини алоқа ва ўчириш воситаларини жанговар ҳолатда сақлаш, ёнгин чиққан тақдирда уларни ўчиришда фаол қатнашиш, халқ мулкини асраб-авайлаб сақлаш борасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришни тақозо этади.

Омборхона, устахоналардаги ёнгин хавфсизлиги учун жавобгарлик, уларнинг раҳбарлари ёки шу раҳбарлар вазифасини бажариб турган кишилар зиммасига юклатилади.

Республикамизда шаҳарлар, қишлоқлардаги аҳоли зинч яшайдиган жойлар ва халқ хўжалиги объектларининг ёнгин муҳофазасини мустакамлаш учун ёнгинга қарши кураш режа асосида олиб борилади ва шу тўғрисида доим ғамхўрлик қилиб келинади. Ана шу ёнгин муҳофазаси ишининг икки асосий йўналиши бор:

- биринчидан, ёнгиннинг олдини олишга қаратилган илмий-техник ва ташкилий тадбирларнинг режали мажмуи;
- иккинчидан, объектлар, шаҳар ва қишлоқлардаги аҳоли зинч яшайдиган жойларда ёнгинни ўчиришни ташкил қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнгингақарши кураш бошқармасининг вазифаси давлат мулкини, фуқаролар шахсий мулкини ёнгиндан сақлашдан иборат, шу билан бирга ёнгин назорати ташкилотлари ташкилий, назорат ва маъмурий ишларни амалга оширади. Уларнинг вазифаларига қуйидагилар киради:

- Ҳамма идоралар, корхоналар ва алоҳида шахслар учун мажбурий бўлган ёнгин муҳофазасига доир қоидалар, меъёрлар, йўриқномалар ишлаб чиқиши ва уларни чоп этиш;
- саноат, фуқаро бинолари ва иншоотларини, аҳоли пунктларини лойиҳалаш, қуришда ёнгин хавфсизлиги қоидалари ва меъёрларининг бажарилишини текшириш;
- Ҳамма ташкилотлар, муассасалар, корхоналардаги ўт ўчириш

бўлинмаларининг шайлигини ва ўт ўчириш воситаларининг созлигини қаттиқ назорат қилиш ҳамда текшириш.

Ўзбекистон Республикаси ёнғин назорати ташкилотлари ўз вазифаларини муваффақиятли бажаришлари учун уларга қўйидаги ҳуқуқлар берилган:

- ёнғин хавфсизлиги жиҳатидан қай ҳолатдалигини аниқлаш мақсадида барча саноат бинолари ҳамда иншоотлари, омборхоналар ва уйларни текшириш;
- корхоналар маъмурияти ва алоҳида шахслардан обьектларнинг ёнғин хавфсизлиги нуқтаи назаридан қай ҳолатдалигини аниқлаш учун зарур бўлган маълумот ҳамда хужжатларни тақдим этишни талаб қилиш;
- ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилганлигини аниқлашда корхона раҳбарларига ана шу бузилишларни бартараф этиш юзасидан мажбурий фармойишлар бериш ва бунинг учун зарур муддатларни белгилаш;
- ёнғин ва портлаш хавфини юзага келтирувчи қоида бузилишларини аниқлашда ана шу бузилишлар бартараф этилгунга қадар корхонанинг ишини бутунлай ёки қисман тўхтатиб қўйиш;
- ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши ёки бажарилмаслигига айбдор бўлган кишиларни маъмурий ёхуд жиноий жавобгарликка тортиш.

Ишчи-хизматчилар ўз иш ўрнидаги ёки ўзи ишлайдиган бўлинмадаги ёнғин хавфсизлиги талабларини яхши билишлари ва уларга қатъий амал қилишлари, ўт ўчириш воситаларидан фойдалана олишлари, меҳнат ҳамда технология интизомига қатъий риоя қилишлари, ёнғин ҳамда портлаш жиҳатидан хавфли модда ва ашёларни ишлатишни билишлари зарур.

Ҳар қандай обьектда ёнғинни муваффақиятли ўчириш учун ёнғинга қарши курашиш тадбирларини олдиндан амалга ошириш катта аҳамиятга эга. Корхоналардаги ёнғинларнинг ҳарактерли хусусиятларидан бири шуки, ёнғиннинг бошланишида ҳарорат тез кўтарилади ва қуюқ тутун ажralиб чиқади. Масалан, аланганинг ўртача тарқалиш тезлиги тўқимачилик

корхоналарда 0,35-0,65 м/мин. бўлса, чанг ва момик юзаларга тўпланиб қолган ҳолларда 1-2 м/мин. ни ташкил этади. Тажрибаларнинг кўрсатишича корхона сехларида аланга майдонининг тарқалиш тезлиги 8-12 м²/мин. ни ташкил этади.

Бунинг оқибатида ёнгинни бошланғич давридаёқ ўчириш имкони бўлмайди. Шу билан бирга бу шароит кишиларни эвакуатсия қилиш ишини, ўт ўчириш бўлимларининг фаолиятини қийинлаштиради. Агар ўтни ўчириш бўйича самарали тадбирлар зудлик билан амалга оширилмаса, ёнгин тезда ривожланиб, катталашиб кетади.

Буларнинг ҳаммаси корхонани ёнғинга қарши ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўришга мажбур қиласди. Бу тайёргарликнинг асосий шартларидан бири ёнгинни ўчириш бўйича тезкорлик билан режа ишлаб чиқишидир. Бунинг учун шароитни ҳисобга олган ҳолда, бўлиши мумкин бўлган энг мураккаб ёнгин кўзда тутилади ва унинг асосида воситалар ва кишилар сони ҳисоблаб чиқилади.

Тезкорлик билан тузилган режа чизма ҳамда матндан иборат бўлади. Чизма қисмида корхонанинг асосий ишлаб чиқариш биноси ва унга ёндошган ёрдамчи бинолар, йўллар ва сув манбаларининг биргаликдаги схемаси кўрсатилади. Режада ўт ўчириш учун ишлатилиши мумкин бўлган барча сув манбалари, улар билан бино орасидаги масофалар кўрсатилиши ва ўт ўчириш бўлимлари ўз насосларини қайси сув манбаига ўрнатишлари ҳам кўрсатилиши керак. Зарур бўлса, кўп қавактли биноларда ҳар бир қавактнинг режаси ва унинг қирқими илова қилинади. Бу режа барча зарурий ахборотлар билан таъминланиши лозим.

Режанинг матн қисмида шу бинонинг ўзига хос хусусиятлари, ёнғин пайтида одамларни эвакуатсия қилиш, моддий бойликларни сақлаб қолиш, келаётган ўт ўчириш бўлимларинингеркин ҳаракат қилишлари ва қутқарув ишларини амалга ошириш тадбирлари кўрсатилади. Режада ўт ўчириш штабига корхона маъмурияти вакилларини жалб қилиш кўзда тутилади.

Бунда ёнғин пайтида ўт ўчириш штабига жалб қилинган ҳар бир раҳбар нима қилиш аниқ ва тўлиқ ёзиб чиқилади.

Саноат корхонасининг ёнғин жиҳатидан хавфсизлиги корхона ҳудудида бинолар, автомобил йўллари, термийўлларнинг оқилона жойлаштирилишига, сув резервуарлари, ўт ўчирувчилар депосининг мавжудлиги ҳамда жойлашувига кўпроқ эътибор берилади.

Корхонанинг бош режасида ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларнинг жойлашуви шамол йўналишининг қўлдастасига асосан лойиҳаланади. Корхона ҳудуди энг яқин тураржой даҳасига нисбатан шамолга тескари томонда жойлаштирилади. Ёнғин жиҳатидан энг хавфли бино ва иншоотлар ҳам корхонанинг бош режасида шу нуқати назар асосида, бино ҳамда иншоотларнинг гуруҳланишини ҳисобга олиб, ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни ва ёнғин хавфи белгиларидан келиб чиқсан ҳолда жойлаштирилиши лозим.

4.3. АТБ «Агробанк» Қўшработ филиалида фавқулодда ҳолатлар доирасидаги чора-тадбирлари

Фавқулодда вазият (ФВ)¹² - маълум ҳудудда юз берган фалокат, ҳалокат ва бошқа турдаги оғатлар натижасида кишиларнинг ўлимига, саломатлигига, теварак атрофдаги табиий мухитга сезиларли моддий зарар этказувчи, одамларнинг турмуш шароитини бузилишига олиб келадиган ҳолатдир.

Фавқулодда вазиятлар хавфнинг тарқалиш тезлигига кўра, қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- а) тасодифий ФВ - ер силкиниши, портлаш, транспорт воситалардаги авариялар ва бошқалар;
- б) шиддатли ФВ - ёнғинлар, заҳарли газлар отилиб чиқувчи портлашлар ва бошқалар;
- в) мўтадил (ўртача) ФВ - сув тошқинлари, вулқонларнинг отилиб

¹²Фавлукотда вазият кейингиларда-ФВ

чиқиши, радиоактив моддалар оқиб чиқувчи авариялар ва бошқалар;

г) равон ФВ - секин-аста тарқалувчи хавфлар: қургоқчилик, эпидемияларнинг тарқалиши, тупроқнинг ифлосланиши, сувни кимёвий моддалар билан ифлосланиши ва бошқалар.

Фавқулодда вазиятлар яна тарқалиш миқёсига (шикастланганлар сонига ҳамда моддий йўқотишлар миқдорига қараб) кўра 4 гурӯхга бўлинади:

1. Локал (объект миқёсидаги) ФВ;
2. Маҳаллий ФВ;
3. Республика (миллий) ФВ;
4. Трансчегаравий (глобал).

Локал Фавқулодда вазият - бирор объектга тааллуқли бўлиб, унинг миқёси ўша объект худуди билан чегараланади. Бундай вазият натижасида 10 дан ортиқ бўлмаган одам жабрланган ёки 100 дан ортиқ бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар Фавқулодда вазият пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш хақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорни ташкил этган ҳисобланади. Бундай ФВ оқибатлари шу объект кучи ва ресурслари билан тугатилади.

Маҳаллий тавсифдаги Фавқулодда вазият - аҳоли яшайдиган худуд (аҳоли пункти, шаҳар, туман, вилоят) билан чегараланади. Бундай вазият натижасида 10 дан ортиқ, бироқ 500 дан кам бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар Фавқулодда вазият пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш хақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқни, бироқ 0,5 миллион бараваридан кўп бўлмаган миқдорни ташкил этган ҳисобланади.

Республика (миллий) тавсифдаги Фавқулодда вазият дейилганда - Фавқулодда вазият натижасида 500 дан ортиқ одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар ФВ пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш хақи миқдорининг 0,5 миллион бараваридан ортигини ташкил этадиган, ҳамда ФВ минтақаси вилоят чегарасидан ташқарига чиқадиган,

республика миқёсида тарқалиши мумкин бўлган ФВ тушунилади.

Трансчегаравий (глобал) тавсифдаги Фавқулодда вазият дейилганда эса, оқибатлари мамлакат ташқарисига чиқадиган ёхуд ФВ чет элда юз берган ва Ўзбекистон ҳудудига дахлдор ҳолат тушунилади.

Епидемия - одамларнинг гурух бўлиб юқумли касалланиши, уларнинг заҳарланиши (заҳарли модда билан ҳамда озиқ-овқатдан оммавий заҳарланиш); эпизоотия - ҳайвонларнинг оммавий касалланиши ёки нобуд бўлиши; эпифитотия эса ўсимликларнинг оммавий нобуд бўлишидир.

Техноген тусдаги Фавқулодда вазиятларга 7 хил турдаги вазиятлар киради:

1) Транспортлардаги авариялар ва ҳалокатлар - экипаж аъзолари ва йўловчиларнинг ўлимига, ҳаво кемаларининг тўлиқ парчаланишига ёки қаттиқ шикастланишига ҳамда қиди्रув ва аварияқиди्रув ишларини талаб қиласидиган авиа ҳалокатлар;

Ёнғинга, портлашга, ҳаракатланувчи таркибининг бузилишига сабаб бўлган ва темир йўл ходимларининг ҳалокат ҳудудидаги темир йўл платформаларида, вокзал биноларида ва шаҳар иморатларила бўлган одамлар ўлимига, шунингдек, ташланган кучли таъсир қўрсатувчи заҳарли модда (КТЗМ)лар билан ҳалокат жойига туташ ҳудуднинг заҳарланишига олиб келган темир йўл транспортвдаги ҳалокат ва фалокатлар;

Портлашларга, ёнғинларга, транспорт восигаларининг парчаланишига, ташилаётган КТЗМларнинг заарли хоссалари намоён бўлишига ва одамлар ўлими (жароҳатланиши, заҳарланиши)га сабаб бўладиган автомобил транспортининг ҳалокати ва авариялари, шу жумладан, йўлтранспорт ходисалари;

Одамларнинг ўлимига, шикастланишига ва заҳарланишига, метрополитен поездлари парчаланишига олиб келадиган метрополитен бекатларидаги ва тунелларидаги ҳалокатлар, авариялар, ёнғинлар;

Газ, нефт маҳсулотларининг отилиб чиқишига, очик нефт ва газ

фаввораларининг ёниб кетишига сабаб бўладиган магистрал қувурлардаги авариялар.

2) Кимёвий хавфли объектлардаги авариялар:

Теваракатроф табиий мухитга таъсир қилувчи заҳарли моддаларнинг (авария ҳолатида) одамлар, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг кўплаб шикастланишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган тақдирда, йўл қўйиладиган чегаравий концентратсиялардан анча ортиқ миқдорда санитария ҳимоя худудидан четга чиқишига сабаб бўладиган кимёвий хавфли объектлардаги авариялар, ёнгин ва портлашлар.

3) Ёнгин, портлаш хавфи мавжуд бўлган объектлардаги авариялар: Технологик жараёнда портлайдиган, осон ёниб кетадиган ҳамда бошқа ёнгин учун хавфли моддалар ва материаллар ишлатиладиган ёки сақланадиган объектлардаги одамларнинг механик ва термик шикастланишларига, заҳарланишларига ва ўлимига, асосий ишлаб чиқариш захираларининг нобуд бўлишига, Фавқулодда вазиятлар худудларида ишлаб чиқариш маромининг ва одамлар ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ёнғинлар ва портлашлар;

Одамларнинг шикастланишига, заҳарланишига ва ўлимига олиб келадиган ҳамда қидиув-қутқариш ишларини ўтказишни, нафас олиш органларини муҳофаза қилишининг маҳсус анжомларини ва воситаларини қўллашни талаб қилувчи кўмир шахталаридағи ҳамда конруда саноатидаги газ ва чанг портлаши билан боғлиқ авариялар, ёнғинлар ва жинсларнинг қўпорилиши.

4) энергетика ва коммунал тизимлардаги авариялар: Саноат ва қишлоқ-хўжалиги маҳсулотлари истеъмолчиларининг авария туфайли энергия таъминотисиз қолишига ҳамда аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган туман иссиқлик марказларидағи электр тармоқлардаги буғқозон қурилмаларидағи, компрессор, газ тақсимлаш шахобчаларидағи ва бошқа энергия таъминоти объектларидағи авариялар, ёнғинлар, аҳоли ҳаёт

фаолиятининг бузилишига ва саломатлигига хавф туғилишига олиб келадиган газ қувурларидаги, сув чиқариш иншоотларидаги, сув қувурларидаги, канализатсия ва бошқа коммунал объектлардаги авариялар;

Атмосфера, тупроқ, эр ости ва эр усти сувларининг одамлар саломатлигига хавф туғдирувчи даражада концентратсиядаги зарарли моддалар билан ифлосланишига сабаб бўладиган газ тозалаш қурилмаларидаги, биологик ва бошқа тозалаш иншоотларидаги авариялар.

5) Бино ва иншоотларнинг бирдан қулаб тушиши билан боғлиқ авариялар:

Одамлар ўлими билан боғлиқ бўлган ва зудлик билан аварияқутқарув ўтказилишини ҳамда зарар кўрганларга шошибинч тиббий ёрдам кўрсатилишини талаб қиладиган мактаблар, касалхоналар, кинотеатрлар ва бошқа ижтимоий йўналишдаги объектлар, шунингдек, уй-жой сектори бинолари конструкцияларининг тўсатдан бузилиши, ёнгинлар, газ портлаши ва бошқа ходисалар.

6) Радиоактив ва бошқа хавфли ҳамда экологик жихатдан зарарли моддалардан фойдаланши ёки уларни сақлаш билан боғлиқ авариялар:

Санитария-химоя ҳудуди ташқарига чиқариб ташланиши натижасида пайдо бўладиган юқори даражадаги радиоактивлик одамларнинг йўл кўйиладиган кўп микдорда нурланишини келтириб чиқарадиган технологик жараёнда радиоактив моддалардан фойдаланадиган объектлардаги авариялар; радиоактив материалларни ташиш вақтидаги авариялар; радиоизотоп буюмларнинг йўқотилиши; биологик воситаларни ва улардан олинадиган препаратларни тайёрлаш, сақлаш ва ташишни амалга оширувчи илмий-тадқиқот ва бошқа муассасаларда биологик воситаларнинг атроф-мухитга чиқиб кетиши ёки йўқотилиши билан боғлиқ вазиятлар.

7) Гидротехник иншоотлардаги ҳалокатлар ва авариялар: Сув омборларида, дарё ва каналлардаги бузилишлар, баланд тоғлардаги йўллардан сув уриб кетиши натижасида вужудга келадиган ҳамда сув босган

худудларда одамлар ўлимига, саноат ва қишлоқ хўжалиги объектлари ишининг, аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ва шошилинч кўчириш тадбирларини талаб қиласидан ҳалокатли сув босишлари.

Екологик тусдаги фавқулодда вазиятлар. Экологик тусдаги ФВлар асосан 3 хил бўлади:

1. Куруқлик (тупроқ, ер-ости)нинг ҳолати ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар: ҳалокатли кўчкилар - фойдали қазилмаларни қазиш чоғида эр остига ишлов берилиши ва инсоннинг бошқа фаолияти натижасида эр юзасининг ўпирилиши, силжиши;

Тупроқ ва эр саноати туфайли келиб чиқадиган токсикантлар билан ифлосланиши, оғир металлар, нефт махсулотлари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида одамларнинг соғлиги учун хавф соловчи концентратсияларда қўлланиладиган пеститсидлар ва бошқа заҳарли химикатлар мавжудлиги.

2. Атмосфера (ҳаво мухити) таркиби ва хоссалари ўзгариши билан боғлиқ бўлган вазиятлар:

Ҳаво мухитининг қуийдаги ингридиентлар билан экстремал юқори ифлосланиши:

- олтингугуртли оксид, азотли оксид, углеродли оксид, диоксид, курум, чанг ва одамлар соғлигига хавф соловчи концентратсияларда антропоген тусдаги бошқа заарли моддалар;
- кенг кўламда кислотали ҳудудлар ҳосил бўлиши ва кўп миқдорда кислота чиқиндилари ёғилиши;
- радиатсиянинг юқори даражаси.

3. Гидросфера ҳолатининг ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар:
ер юзаси ва ер ости сувларининг саноат ва қишлоқ-хўжалиги ишлаб чиқариши оқовалари;

Нефт махсулотлари, одамларнинг заҳарланишига олиб келган ёки олиб

келиши мумкин бўлган, таркибида оғир металлар, ҳар хил заҳарли химикатлар мавжуд чиқиндилар ва бошқа зарарли моддалар билан экстремал юқори даражада ифлосланиши;

Бинолар, мухандислик коммуникатсиялари ва уй-жойларнинг эмирилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган сизот сувлар миқдорининг ортиши;

Сув манбалари ва сув олиш жойларининг зарарли моддалар билан ифлосланиши оқибатида ичимлик сувининг кескин этишмаслиги.

Ҳозирги вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти - БМТ бўйича фавқулодда вазиятларнинг тавсифига яна қўшимча қилиб:

- а) ижтимоий-сиёсий тавсифдаги ФВ;
- б) ҳарбий тавсифдаги ФВ ни киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра бизнинг минтақада 7 хил ФВ турлари тасдиқланган:

1. Зилзилалар, ер сурилиши;
2. Сел, сув тошқинлари ва бошқалар;
3. Кимёвий хавфли обьектларда авария ва фалокатлар (ўткир заҳарли моддаларнинг ажралиб чиқиши);
4. Портлаш ва ёнгин хавфи мавжуд обьектлардаги авария ва фалокатлар;
5. Темир йўл ва бошқа транспорт воситаларида ташиш пайтидаги авария ва фалокатлар;
6. Хавфли эпидемияларнинг тарқалиши;
7. Радиоактив манбалардаги авариялар.

Фуқаро муҳофазаси давлат тизимлари - ҳарбий даврда ҳам, тинчлик даврида ҳам юзага келадиган хавфлардан ахолини, ҳудудларни, моддий бойликларни муҳофаза қилишда муҳим вазифаларни бажаради. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилган «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида» ги қонунида ўз аксини топган.

4.4. АТБ «Агробанк» Кўшработ филиалида фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари ва уни мукаммалаштириш йўллари

Касал бўлиб қолганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда ва бошқа ҳолларда фуқаролар профилактик, ташхис қўйиш-даволаш, куч-қувватни тиклаш, санаторий-курорт, протез-ортопедия ёрдами ва бошқа хил ёрдамни, шунингдек bemорларни, меҳнатга лаёқатсиз ва ногирон кишиларни боқиш-парваришлиш юзасидан ижтимоий чора-тадбирларни, шу жумладан, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўлашни ўз ичига оладиган тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

Тиббий-ижтимоий ёрдам тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассислар томонидан кўрсатилади.

Фуқаролар ўзларини ихтиёрий равишда тиббий суғурта қилдириш асосида, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағлари, ўз шахсий маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қўшимча тиббий ва бошқа хил хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг айrim тоифалари протезлар, ортопедик ва мослама буюмлар, эшитиш аппаратлари, харакатланиш воситалари ва бошқа маҳсус воситалар билан имтиёзли тарзда таъминланиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳуқуқقا эга бўлган фуқароларнинг тоифаларини, шунингдек уларни таъминлаш шартлари ва тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Фуқаролар ихтисослашган соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларида тиббий экспертизадан ўтиш ҳуқуқига эга.

Биринчи медитсина ёрдамининг вазифаси энг оддий чораларни кўриш билан шикастланган одам ҳаётини қутқариб қолиш, унинг азоб-уқубатларини камайтириш, рўй бериши эҳтимол асоратларнинг олдини олиш, шикаст ёки касалликнинг ўтишини энгиллаштиришдан иборатdir.

Биринчи медитсина ёрдами шикастланиш ҳодисаси рўй берган жойда шикастланган одамнинг ўзи (ўз-ўзига ёрдам бериш), ўртоғи (ўзаро ёрдам), санитар дружиначилар томонидан берилиши мумкин. Биринчи медитсина ёрдамига кирадиган чора-тадбирлар қуидагилардан иборат: қон оқишини вақтинча тўхтатиб қўйиш, баданнинг жароҳатланган ва куйган жойига стерил боғлам қўйиб боғлаш, сунъий нафас олдириш ва юракни билвосита массаж қилиш, антидолотлар билан укол қилиш, антибиотиклар бериш, оғриқ қолдирадиган дорилар юбориш,(шок маҳалида), ёниб турган кийимни учариш, транспортда олиб бориш учун шикастланган жойни қимирамайдиган қилиб боғлаб қўйиш (транспорт иммобилизатсияси), одамнинг баданини иситиш, иссиқ ва совуқдан пана қилиш, противогаз кийгизиш, шикастланган кишини заҳарланган жойдан олиб чиқиш, қисман санитар обработкасидан ўтказиш.

Бир йўла ҳар хил турдаги шикастга учраган одамга биринчи медитсина ёрдами кўрсатишга киришилар экан, айрим усул-амалларнинг тартибини белгилаб олиш керак. Чунончи, сон суяги очиқ синиб, артериядан қон кетиб турган маҳалда биринчи навбатда ҳаёт учун хатарли бўлган қон кетишини тўхтатиш, кейин жароҳатга стерил боғлам қўйиш ва шундан кейингина оёқни қимирамайдиган қилиб боғлашга (иммобилизация қилиб қўйишга) киришиш: синган жойни ҳеч қимирамайдиган қилиб қўйиш учун маҳсус шина солиб боғлаш ёки қўлида бор воситалардан фойдаланиш керак.

ХУЛОСА

Тадқиқот жараёнида қуидаги илмий хулосалар олинди:

1. Бозор иқтисодийтоига ўтишнинг асосий бирламчи галдаги вазифаларидан бири, мавжуд реал иқтисодиётнинг барқарорлигига эришиш, буни амалга оширишда асосан хўжалик юритиш шакилларида, ишлаб чиқариш кўчалари ва воситаларидан хамда иқтисодий воситаларадан юқори даражада унумли фойдаланиш зарур. Ушбу масалаларни амалга ошириш жарайнида молия кредит тизимимуҳим аҳамият касб этади;

2. Фермер хўжаликларига кўрсатиладиган банк хизматлари таркибида кредитлар муҳим ўрин тутади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулот ишлаб чиқаришиу жараёнларининг узлуксилигини таъминлашда банк кердитларининг иштроки муқаррардир;

3. Қишлоқ хўжалигига ўтказилган самарали ислоҳатлар натижасида маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг мулкга эгалиги тубдан ўзгарди. Фермер ва дехқон хўжаликларига ердан узоқ муддатга фойдаланиш ҳуқуқи берилди ва улар ерга эгалик ҳуқуқини ҳис эта бошладилар;

4. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотни ва уни сотишдан тушган маблағларни тасрруф қлиш ҳуқуқи ўзгарди;

Фермерлар ўзларининг ҳисоб рақамларига тушган маблағларини мустақил тасруфа этадилар, бу эса ўз навбатида уларда мавжуд маблағлардан самарали фойдаланиш тўгрисида фкирлаш, мулк эгалигини ҳис этиш туйғусини уйғотади.

5. Қишлоқ мустақил фкир юритадиган мулқдорлар синифи шакилланишига сабаб бўлади.

Фермер хўжалигига фойда миқдорини жами даромад (маҳсулотни сотишдан тушган умумий тушум) ва барча ташқи хамда ички харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида қараш мумкин. Таннарх маҳсулотини етиштриш ва сотиш учун қлинган барча харажатларнинг пул шаклидаги йиғиндиси бўлиб, у барча маҳсулотни ёки унинг брлигини етиштриш ва сотиш

хўжаликкага қанча тушишини кўрсатади. Маҳсултнинг таннархи фермер хўжалигида харажатларни камайтриш вадаромадларини ошириш заҳираларини аниқлаш имконини беради. Фермер хўжаликлари маҳсулотларини сотилиши ҳажим қанча юқори бўлса, даромадлар шунча кўп булади. Лекин қишлоқ хўжалиги маҳсултоларининг таклифи ошиб бориши билан маҳсулотларни сотишдан тушган ялпи тушум камайиб боради. Узок муддатли давирда фермер хўжаликларида даромадлар бошқа соҳадагига ишлаб чиқарувчилар даромадларига нисбаттан секин суратларда ўсиши кузатилади.

Демак фермер хўжаликларида даромадларни ошириш учун харажатларни, энг аввало, доимий харажатларни пасйтриш, ишлаб чиқариш ҳажми ва унумдорлиги ошириш, ишлаб чиқариш жараёнинг оптималь комбинатсияини танлаш мақсадга муофиқдир.

Битирув малакавий ишида фермер хўжаликларига банк хизматлари механизимини такомиллаштриш орқали қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқришни барқарор ривожлатришга қаратилган қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтиш жараёнида фермер хўжаликларини молиявий ҳолатини яхшилаш энг муҳим масалалардан биридир. Бунинг учун, энг аввало:

1. “Давлат эҳтиёjlари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси” дан маблағлар ажратиш жараёнларини қишлоқ хўжалигида харажатларни амалга ошириш давларига муофиқлаштрilmоғи мақсаддага муфоик бўлар эди;

2. Ушбу жамғрмадан пахта ва ғалла етиштриш харажатларининг 60 фоизи миқдорида бўнак маблағлар ажратилади. Ушбу ҳаолат аксарият фермер хўжаликларида айниқса янгидан ташкил этилган хўжалиларда йил давомида оборот маблағларининг етишмаслигига олиб келди. Шунинг учун, “жамғарма” дан ажартиладиган маблағлар миқдорини хўжаликлар фаолияти,

ернинг ҳосилдорлик даражаси, хизмат кўрсатиш шахобчаларива сув ресурсларидан узоқ-яқинлиги каби омиллар инобатга олган ҳолда табақалаштриш тавсия этилади;

3. Ажратиладиган имтиёзли кредитларни фермер хўжаликларитомонидан амалга ошириладиган харажатларга мутаносибилигини таъминлашмақсадида маҳсус ҳисобрақамларидан очиладиган кредит линияси орқали имтиёзли кредитлашга ўтиш тавсия этилади. Ушбу маҳсус ҳисобрақамлардан фермерларнинг айланма маблағларига булган талаблари тўлиқ қондириладива ушбу ҳисобрақамга уларнинг маҳсулот сотиш ва хизмат кўрсатиш жараёнларидан тушган маблағлари акс эттирилади. Фермерлардан кредиттўловлари учун фоизлар ушбу ҳисобрақамнинг фақат дебет қолдиқларидан ҳисоблаб борилади;

4. Фермер хўжаликлари, айниқса, пахта ва ғалла этиштирмайдиган фермер хўжаликлари айланма маблағларининг этишмаган қисмини бўлғусихосил гарови ёки эрдан фойдаланиш хуқуқи гарови эвазига тижорат банкларидан кредит олиш хуқуқларига эгадир. Ушбу кредитлар, биринчидан "қиммат" (фоиз тўлови юқори) кредитлар ҳисобланса, иккинчидан уларни расмийлаштириш жараёни (асосай гаров мулкини баҳолашва уларни расмийлаштириш) фермерлар учун бирмунча қўшимча харажатлар вақийинчиликлар туғдиради. Шунинг учун айланма маблағларига булганталабни тўлақонли қондриш учун имтийзли кредитлаш тизимини кенгайтириш лозим;

5. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликларига кредит берувчи ва комплекс тарздаги банк хизматлари кўрсатувчи йирик тижорат банклари томонидан уларни кредитлашни кенгайтириш учун ресурслар жалб этиш мақсадида Ўзбекистан Республикаси Қонунлари асосида қишлоқ хўжалик қимматли қоғозларини (селхоззаём) чиқариш мақсадга мувофиқдир;

6. Қишлоқхўжалигини модеринизатсиялаш жараёнларининг асосий қисми учун банкнинг узоқ муддатли кредитларини кенгайтириш;

7. Давлатехтиёjlари учун етиштирилаётган пахта ва ғалла хосилидан ташқари қишлоқ хўжалигининг бошқа маҳсулотларини етиштириш учун фермер хўжаликларига зарур бўлган айланма маблағлари ва асосий воситаларни самарали кредитлаш тизимини яратиш ва аста-секин давлат эҳтиёjlари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитланаётган фермер хўжаликларини тўғридан-тўғри тижорат банкларининг маҳсус ҳисоб рақамларидан очиладиган кредит линияси орқали имтиёзли кредитлашга ўтказиш;

8. Қишлоқ жойларида фермер хўжаликлари ўртасида кредит ўюшмалари ташкил этиш ва унинг маблағлари ҳисобидан ерларнинг мелиоративҳолатини яхшилаш учун узоқ муддатли кредитлар ажратиш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2016. – 62 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Солик Кодекси. (Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Солик кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2007 йил 25 декабрдаги 136-сон қонуни билан тасдиқланган) (кейинчалик киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда).
3. Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси (Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2013 йил 26 декабр ЎРҚ-360-сон қарори билан тасдиқланган).
4. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – 29 б.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. - 686 б.
6. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. //Халқ сўзи, 2013 йил 19 январь, 13-сон
7. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. //Халқ сўзи, 2016 йил 15 январ. 12-сон.
8. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т., 2005. - 88 б.
9. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши

керак. //Халқ сўзи, 2017 йил 15 январь, 13-сон.

10. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. Тошкент, 2002. - 107 б.
11. Абулқосимов Х.Р., Хамраев О.Я. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2014. – 304-б.
12. Ансофф И. Стратегический менеджмент. – СПб.: Питер, 2011. – 344 с
13. Баканов М.И., Мельник М.В., Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. - М.: Финанси и статистика, 2007. - 536 с.
14. Барулин С.В. Финансы. – М.: КНОРУС, 2011. – 640 с.
15. Боймуратов А.Ж. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тижорат баклари томонидан кредитлаш амалиётини такомиллаштириш йўналишлари и.ф.н. Диссертация автореферати, БМА 2008. -124 б.
16. Бочаров В.В. Корпоративные финансы. – СПб.: Питер, 2012.
17. Вахабов А., Разыкова Г. Модернизация экономики. Учебное пособие. – Т.: Iqtisod-moliya, 2014. – 200 с.
18. Вахабов А.В. ва бошқ. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliya, 2014. – 372 б.
19. Вахабов А.В., Санакулова Б.Р. Кичик бизнес ва тадбиркорликни солиқка тортиш. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 388-б.
20. Деньги, кредит, банки: учебник / коллектив авторов; под ред. О.И. Лаврушина. – 12-е изд., стер. – М.: КНОРУС, 2014. – 448 с.
21. Зайналов Ж.Р. и др. Управление банковскими рисками в условиях модернизации экономики.. - М.: ООО «Пресс-Принт», 2013. – 36 с.
22. Иминов О. Кредитный механизм современных условиях. Монография. – Т.: ТГЭУ, 2000.
23. Карабаев Т.М. и др. Хозяйственный расчет в системе комерческих банков, -Ташкент: Узбытцентр, 1991 -64 с.
24. Қудратов С. Тижорат банкларида корпоратив бошқарув. Ўқув қўлланма. – Т.: Академнашр, 2016. – 160 б.

25. Лаврушин О.И. и другие. Денги, кредит и банки. -М.: Банки и биржи, 1995. -288 с.
26. Лапыгин Ю.Н. Инвестиционная политика: учебное пособие / А.А. Балакирев, Е.В. Бобкова и др.; под ред. Ю.Н. Лапыгина. – М.: КНОРУС, 2011. – 320 с.
27. Лукасевич И. Я. Финансовый менеджмент. Учебник. – М.: ЭКСМО, 2010. – 768 с.
28. Макконел К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. Пер. 16-го англ. Изд. –М.: ИНФРА –М.: 2006. – 940 с.
29. МакНотон Д. Банковские учреждения в развивающихся странах. 2 т. / Т. 1. – Вашингтон: Д.С. Всемирный банк. 1994. -324 с.
30. Маликов Т.С. Молиявий қарор қилиш асослари. –Тошкент.: Академия, 1996 -158 б.
31. Мирзаев Ф., Давронов Ш. Тижорат банклари фаолияти: инновацияси, инжиниринги ва рискларни бошқариш амалиёти. Монография. – Т.: Молия, 2014. – 160 б.
32. Номозов О.Ш. Монетарная политика в переходной экономике: концептуальные подходы и программные направления (на примере Республики Узбекистан – Ташкент, 2001. -41 с.
33. Норқобилов С. Банк иши. – Т.: Молия, 2012. – 280 б.
34. Нурмухамедова Б., Кабирова Н. Финансы. Учебное пособие. – Т.: Iqtisod-moliya, 2010. – 380 с.
35. Олимжонов О.О. Молиявий Менежмент. – Тошкент. Академия, 1999, -254 б.
36. Организация деятельности центрального банка: учебник /Г.Г. Фетисов, О.И. Лаврушин, И.Д. Мамонова; под общ. ред. Г.Г. Фетисова. - 3-е изд., стер. - М.: КНОРУС, 2008. – 432 с.

37. Пол Самуэльсон, А. Нордхаус, Вильям. Экономика: пер. с англ. -М.: “Бином” 1999. -800 с. Абдулаева З.Ш. Пул, кредит ва банклар. – Тошкент: Иқтисод-Молия, 2007. -344 б.
38. Пул-кредит соҳасидаги мавжуд вазият ва монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари. // Бозор, пул ва кредит, 2017 йил январ 1-сон
39. Рахимов М.Ю. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 392-б.
40. Саидов Д., Қуллиев И. Пул муомаласи ва кредит. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2014. – 268 б.
41. Симановский, А. Ю. Банковское регулирование: рееволюция // Деньги и кредит. – 2014. – № 3. – С. 3-11.
42. Соколов А.А. Теория налогов. М.: ЮрИнфоП-Пресс, 2003. -230 с.
43. Суэтин А.А. Международные валютно-финансовые отношения: учебник / А.А. Суэтин. - 4-е изд., перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2010. – 440 с.
44. Тарануха Ю.В., Земляков Д.Н. микроэкономика. –М.: Дело и сервис, 2002, -С.28
45. Тошматов Ш.А. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиқка тортиш асослари. – Т.: Молия, 2012. – 97 б.
46. Тошматов Ш.А., Ражаббаев Ш.Р. ва бошқалар. Молиялаштиришнинг инновацион усуллари. Монография. – Т.: Молия, 2015. – 160 б.
47. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: Мехнат, 1995. – 180 б.
48. Фарманов Т.Х. Ўзбекистон Республикасида фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари: -Т.: 2006. -255 б.
49. Ходиев Б.Ю., Карлибаева Р.Х., Расулов Н.М. Корпоратив бошқарув: Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2011. - 301 б.
50. Ҳасанов Р.Р., Ҳайдаров Н.Х., Маликов Т.С. Молиявий бошқарув. – Т.:

Ғафур Ғулом, 2009. – 840 б.

51. Ҳусанов Ғ. ва бошқалар. Молиявий менежмент. – Т., 2008. – 264 б.
52. Шодибекова Д.А. Кичик бизнесни бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т., 2010. – 280 б.
53. Шодмонов Э.Ш. Ўзбекистонда аграр ислоҳатларни чуқурлаштиришда банклар фаолигини оширишнинг асосий йўналишлари: -Т.: 2005, -124 б.
54. Юлдашев С. ва б. Молиявий менежмент. – Т.: Ворис, 2013. – 160 б.
55. Журнал ва газеталар:
 - Бозор, пул ва кредит 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-4 сонлари;
 - Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-4 сонлари;
 - Солиққа тортиш ва бухгалтерия ҳисоби 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-4 сонлари;
 - Молия 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-2 сонлари;
 - Иқтисодиёт ва таълим 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-2 сонлари;
 - Солиқ ва божхона хабарлари 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-4 сонлари.
56. Интернет сайtlари:

[http: //www.finansy.ru](http://www.finansy.ru)

[http: //www.iqtisodiyot.uz](http://www.iqtisodiyot.uz)

[http: //www.mf.uz](http://www.mf.uz)

[http: //www.stat.uz](http://www.stat.uz)

[http: //www.lex.uz](http://www.lex.uz)